

ШуроѢ Шўла

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ҲАҚИДА КАНТАТА

Советлар Ватани — бахтиёр, озод,
Миллатлар дўстлигин яшнаган боғи!
Рус халқи бош бўлган ғолиб ва обод —
Республикаларнинг зўр иттифоқи!
Эй, бузилмас дўстлик, яша умрбод!
Яша, коммунизм қуручи авлод!

Бир байроқ остида борамиз олға,
Коммунизм сари, гуллаган Ватан!
Ўн олти қадрдон, дўст республика,
Ўн олти ғолиб халқ — бир юрак, бир тан!
Яшна, эй, ҳаётбахш, музаффар байроқ!
Яшна, ҳур, қудратли улуғ иттифоқ!

Бу улуғ дўстликдан топдик биз камол,
Қадрини топди бу ўзбек деган ном!
Мана шу дўстликдан жануб ва шимол,
Ғарбу шарқ халқлари олмоқда илҳом!
Шарққа нур беручи эй, Ўзбекистон,
Улуғ оилада топдинг шараф-шон!

Партия — ҳар ишда, ҳар сафарда бош,
Партия — халқларнинг суянган тоғи!

Бу шарқда болқиган ҳар кунги қуёш —
Ғолиб ва барҳаёт Ленин байроғи!

Шарафлар, улуғ рус, партия, минг бор!
Бахтиёр халқ сиздан мангу миннатдор!

Москва,

Кремль,

Шонли партия!

Сиздир қалбимизга мадад ва ором!

Миннатдор халқимиз ташаккур дея

Сизлардан руҳланиб олурлар илҳом!

Сизни олқишлайди дўстлик ва замон,

Пахтакор — соҳибкор ҳур Ўзбекистон!

ЛЕНИН ҲАҚИДА ИККИ ҚЎШИҚ

Биринчи қўшиқ

Зумрад водиларда куйлар ирмоқлар,
Куйлайди колхозлар, куйлайди боғлар,
Куйлайди энг азиз Ленин номини
Яшнаган чўлларда ёнган чироғлар,
Ленин чироғлари — Ильич чироғлар.

Озод юртимизни айладик кўклам,
Сен блан юртимиз фаровон, кўркам,
Шимолдан жанубга, шарқдан ғарбгача
Сенинг йўлингдир эркесвар олам,
Сен блан бу олам чарогон, кўркам!

Коммунизм боғи бўлмоқда обод,
Партия раҳнамо, халқлар ҳур ва шод,
Москва тинчликка байроқдор мангу,
Улуғ орзуларинг бўлмоқда бун'ёд,
Барқ урди тинчликнинг байроғи кушод.

Орзулар ушалди, истиқбол порлоқ!
Бир қалбга айланди улуғ Иттифоқ!

Ғақат битта афсус яшар дилларда:
Қани кўрсанг эди юртингни бу чоқ!
Ғолиб ҳилпирайди сен тиккан байроқ!

Иккинчи қўшиқ

Ҳилпираб туради юртимиз устида
Лениннинг муқаддас, музаффар байроғи!
У аскар сингари ғолиблар постида,
У озод, бахтиёр, ҳур халқлар байроғи!
Юртимиз фаҳри у, қалбимиз чароғи!

Порлайбер, эрксевар халқларнинг байроғи,
Озодлик ва тинчлик юртида қанот ёз!
Шу байроқ остида Партия йўлидан
Коммунизм сари халқлар, олға бос!

Шу байроқ остида маҳв этдик душманни,
Ленин ва Сталин номини этиб ёд.
Сақладик қон блан, шон блан Ватанни
Ва қардош элларни зулмдан этдик озод,
Шу байроқ остида ҳаёт шод ва обод!

Ҳар ишда, ҳар маҳал шу байроқ илҳомкор,
Шарафга йўллайди онадек меҳрибон.
У бизни қулликдан қутқарган мададкор,
Саботга, мардликка ўргатган, жонажон,
Меҳри бир дун'ё у, бағри кенг осмон!

Юксалар кун сайин, йил сайин бу байроқ,
Нурланиб бормоқда нуридан ер юзи,
Тинчликка чорлайди халқларни у, порлоқ!
Шу байроқ рангидан Кремль юлдузи,
Лениннинг кўзи у, Лениннинг дил сўзи!



Ж а в о б



ИМЗО ЧЕКДИМ

Имзо чекдим, тинчлик учун,
Лекин, оддий имзо-мас!
Бу — тортилган қизил қалам
Шармандалар устига!
Я'ни қаттиқ имзо чекдим,
Тинчлик учун, эрк учун,
Ҳақ ва ҳуқуқ, одилона
Тарих ҳукми остига!

Имзо чекдим,
Бу имзомда қудрат сездим нақадар!
Бир қудратки,
Денгизларнинг довулига чўнг қалқон,
Бир қудратки,
ёвуз қалбга
чақмоқ — момоқалдироқ,
Атомпараст ёвузларни
янчиш учун зўр босқон.
Бир қудратки,
фитналарга қақшатғич зарб беручи,
Қаттиқ ларза келтиручи „Атлантика пакти“га!

Бир қудратки,
 халқлар юзин бурди букун мардона,—
Жаҳон тинчлигининг муҳри —
Стокгольм аҳдига!

Имзо чекдим,
Ватанимнинг тинчлигига кафилман!
Юксалмоқда яна баланд
бу курашнинг минбари!
Бу улуғ куч қаршисида
кун таптидан қочгандай
Жар бўйида
план тузар Оқ уй афандилари.

Имзо чекдим,
худди озод нафас олди занжилар;
Кишанлари парчаланди,
турди бирдан оёққа!

Имзо чекдим,
сирқиради мугзи Лондон лордининг
Кўзи тушиб мен кўтарган
ғолиб қизил байроққа!
„Мен урушни истамайман,
ва дўқлардан қўрқмайман!“
Бу — чекилган имзоларнинг
шиори ҳам ғояси!
Бу — ғолиблар,
баҳодирлар,
эрқпарварлар сўзидир,

Бу — тинчликнинг,
бу — ҳурликнинг,
фароғатнинг чораси!

Имзо чекдим,
жанг олдидан қасам ичган аскардек,
Ватанимнинг тинчлигига,
партиямнинг номига.

Имзо чекдим
ҳаёт учун,
яшаш учун бахтиёр,
Шараф бўлсин Москвага,
Советлар замонига!

Москвани олқишлайди
Бутун тинчликсевар халқ,
Москвага шараф бўлсин,
Москвага ташаккур!

Эрк ва ҳурлик,
Бахт армуғон этган улуғ Москва
Доим тинчлик курашчиси,
ундан жаҳон узра нур!

1950.

ИТ ҲУРАДИ, КАРВОН ЎТАДИ

(Халқаро минбардан)

Бунча жоврадингиз, „муҳтарам жаноб“,
Бунча асабийсиз, депсиб юрасиз.
Дун'ёнинг нариги бурчида туриб
Бунча чиранасиз,

бунча ҳурасиз?!

Чарчамадингизми ғийбат қилмоқдан,
Айниб кетмадими чиркин миянгиз?!
Ахир ўттиз йил-ку,

ўттиз кун эмас!

Токай ғивирлайди қора уянгиз?–
Ўттиз йилдан бери „Финаншиэл таймс“
Тинмади,
Жовради,
Вайсади ҳа деб.

Ўттиз йил ҳайқирди „Нью-Йорк таймс“;
„Қўрқманг, большевизм умри қисқа“ деб.
Черчилль ўттиз йилдир жазаваси тутиб,
Махфий тайёрлайди маш'ум замбарак.
Россияни қўйиб унинг оғзига
Отиб юбормоқдан беради дарак.
Бунча қийналасиз ўзингизни уриб,
„Большевизм“ дейсиз чинқириб сатта.

Ҳали Оксфордда, ҳали Фултонда
Асабий сўйлайсиз...

(„Қийин албатта!“)

Ором ёстуғига бош қўялмайсиз,
Молдек ағанайсиз шалтағингизда.
Кошки жаҳон ғами!

Йўқ, жаҳон қайда,
Доллар, доллар ғами ҳукмрон сизда.
Душман кеча Морес Торез уйида
Бомба портлагандан бўлди жуда шод,
„Трумэн ансамбли“ бўлса, Европа —
Қаҳвахонасини қилмоқда „обод“.
Ғарбий Европадан шаллақи нотиқнинг
Безори овози эшитилмоқда.
Қандайдир фитналар овози бўрон —
Ичида шарққача етиб келмоқда.
Қон ҳиди анқийди Испаниядан,
Ҳамон бурқимоқда Мадрид тутуни.
Маланг, Сурабая ёнмоқда, гўё —
Уруш оловининг қуруқ ўтини.
Париж, Афинада, Техрон, Истамбулда
Уолл-стритнинг бозори чаққон.
Бу мудҳиш бозордан харид қилинмоқда
Зулм ва истибдод,

очлик ва буҳрон!

Анқара безовта,

Техрон асабий,
Махфий „меҳмонидан“ ғоят бетоқат.
(Қавомссалтана, Ёлчин...)

Ма'лум-ку:
Қарғага улфатлик недан иборат?!

Ҳа,
Яқин ўртада бундай „улфатлар“
Изғиб қолганлиги мутлақо бешак!
Ҳеч ажаб эмасдир „дипломат“ бўлса
Маршалл планлари ортилган эшак.
Кеча, миллий ғурур, башарий ҳуқуқ
Бир мал’ун имода этилди поймол:
Хоин имзо чекди, Эрон бир қалқиди,
Яна дор, истибдод, тиллар бўлди лол...
Ҳали мунофиқлик, ҳали ғийбат, ҳали —
Тилёғламалик ҳам қилиб кўрасиз.
Қани хамелеондан фарқингиз сизнинг,
Минг хил турланасиз бир онда, юзсиз!
Сизга ёқмай қолди ғарбнинг ҳар жойидан —
Баралла янграган ҳаққоний овоз:
Демократия!

Ҳа!

Шу кучли хитоб
Сизни қийнаб қўйди шекилли „бироз...“
Яна ер юзида изғиб қолдингиз,
Яна фирибгарлик,

яна фитнами?!

Молдек сотилсинми Эрон деҳқони,
Шумиди кўрмаган куни бир ками?
Қайси халқ бўш келса, занжир соласиз,
Қўйнига кирасиз илондай секин.
„Маршалл плани“га ишқаб бурнини.
Тап-тақир қиласиз текиндан-текин.

Нима гуноҳи бор бечора халқнинг,
Сизнинг-ку тамоман бошқа дардингиз.
Хайрият, бахтига СССР ғолиб,

Бўлмаса батамом еб қўярдингиз.
Қандай доғулисиз „муҳтарам жаноб!“
Нақадар мунофиқ,

нақадар қаллоб!

Худди дун'ё ғами сизга тушгандай
Яна ўдағайлаб лоп урасиз, лоп.

Шуни яхши билинг:

Ўтган кунларнинг

Аччиқ ҳақиқати ўчганмас, ахир!

Россия ёнгини,

Париж фожиаси

Солдат қасамидай ёдимиздадир.

Тинчлик деб тўкилган ҳар му'табар қон

Ҳаёт ва осойиш сўрайди бу кез.

Броқ, ёдингиздан Нюрнберг суди —

Кўтарилибдими дейман жуда тез!

Эслаб кўрасизми,

нима бўлди Гитлер, —

„Туя қиламан“ деб Совет нонини?!

Совет Армияси, Совет қудрати—

Оғзидан келтирди қора қонини.

Хотирангиз, мистер, жуда тубан экан,

Кечани букундан қилолмайсиз фарқ.

Кимгадир мўлжаллаб Баҳри муҳитни

Ва лекин ўзингиз бўлмоқчисиз фарқ!

Ҳаддингиздан ошманг,

Етар шунча ғавғо!

Қўйиб юбордингиз ортиқ, тилингизни.

(Наҳот чарчамаса Херст мухбирлари...)

Койитмайди, қўрқманг, СССР сизни.

СССР нинг сиздан бўлак ҳам, мистер,

Ўзига яраша зўр ишлари бор.

Халқини севади,

халқ эса уни!

Миллатлар тенг, иноқ, ундан миннатдор.

Ўзбекни кимлардир эламас эди,

Танимас эдингиз ҳаттоки сиз ҳам.

Энди ўзбек деса дегулик чоғи,

Анча қизиқиброқ қолибди олам.

Туғри! У ким эди!?

У ҳозир озод!

Ҳа!

Озод!

Қудрати зўр, бениҳоя!

Буни билмоқ учун халқи олдида

Бир одлий ўзбекнинг қадри кифоя!

Унинг юрагида Ватан,

Москва,

Партия му'табар,

Шунинг ўзи бас!

Унга бутун ўлка,

қанча-қанча миллат

Мангу туғишгандай қондош, ҳамнафас!

Бу мамлакат шундай:

унинг замини,

Орзуси, ғояси кўп олийжаноб.

Хомтама' бўлмангиз,

заминингиз сизнинг —

Нураб бораётир „муҳтарам жаноб!“

Сақлаб қололмайсиз тарих ҳукмидан,

Ҳаракатларингиз ҳаммаси бир пул!

Чунки бизни шонли коммунизмга—

Олиб бораётир букун ҳамма йўл!!!

1948

А М У

Тонг варағланади чегарада заррин,
Пастда уйгоқ ва тинч оқади Аму,
Яшил уқа каби ҳимарилиб, болқиб,
Қиргоқ торларини тимдалайди сув.

Тонгни варағлайди ватан қўриқчиси,
Аму каби уйгоқ, сергак ва тетик:
Яшил (аскар) форма, автомат ва дурбин,
Оёғида пишиқ, жанг кўрган этик.

Худди тоғ тургандай тўсиб чегарани,
Тинч ва мустаҳкамдир чегара уфқи!
Яқин келолмайин доғда юради
Ёвуз ниятли у ғафлат ва уйқи.

Нариги қиргоқда кезади алам,
Етгани сингари сўнгига бардош;
Учқунланаётган алангалардан
Хабар берган каби ботади қуёш...

Тонг-ла келтиради сабо ғамли мунг,
Аму бўйларини ~~келтирбоси~~.

Ким билсин, Кобилда балки шу замон
Қайсибир бечора ўзин осадн.

Балки уловндан айрилган деҳқон
Бўйинтуруқ боғлаб ҳайдайди ўзи.
Балки биз томонга умид блан боқар
Эрка ташна бўлган мазлумлар кўзи.

Нола чирмашади кўкка энтикиб,
Ҳиндиқуш тоғлари этакларидан.
Она ялангоёқ судралади йўлда,
Боласи нон дейди тутиб баридан.

Ноладан бузилар Аму асаби,
Тошқиндан тутади ўзини аранг.
Қушни бир тупроқни икки лагерьга—
Бўлиб ётганидан ўзи ҳам гаранг.

Чегарани босиб ўткунича у
Чарчайди бўғилиб, ҳансираб ғамдан—
Ўзи ҳайрон гоҳо, бу нолалардан
Кўз ёшга айланиб кетмаганидан.

Бир кун айланади ғазабга нола!
Селга айланади кўз ёши бир вақт!
Броқ, уни бўғар кимлардир бу он,
Кимнингдир кифтида жон сақлайди тахт.

Кўзга чалинади тама'гар кўппак:
Афғон иштонида ўтиб қолар Сам:
Балки, Корейдан қочиб келган солдат,
Қонли қўллари-ла ичади қасам:

Ким билсин,
Амуни кесиб ўтмоқчими?
Ёки тўхтатмоқчи бўлар йўлидан?
Кулгили!
Туяни учирса бўрон,
Нима ҳам келаркан эчки қўлидан.

Вақти келса, Аму ўзи тошади,
Ва ювиб ташлайди ҳарқандай доғни!
Вақти келар экан, қишлоқ яратади,
Суғориб водини, чаманни, боғни!

У, ҳозир шошилар тинчлик юртига,
Бу кунлар Амунинг бошқа иши бор:
Уни чорламоқда Қорақум чўли,
Унда бошланмоқда гўзал бир баҳор!

Жуда шошилади,
 ҳар битта томчи
 Саҳрода лоақал гул бўлай, дейди.
 (Ҳа, Аму! Қуручи туркман қизларининг
 Қўлларини ўпиб ювсанг арзийди!)

Аму шошилади Туркман элига,
Катта қурилишга хизмат эткали!
Қайин-қарағайлар ортиб елкасида,
Саҳро ўртасидан мағрур ўткали.

Аму югуради!
Тенгсиз қудрат блан,
ГЭСлар юрагига қон бўлай, дейди!

Асрий уйқусидан тураётган чўлга
Тезроқ етиб бориб жон бўлай, дейди!

Чопади, қолмай деб энди армонда,
Бахмал водиларни оралаб, ошиб,
Чўлда арслондек эркин одим отган —
Экскаваторга етай деб шошиб.

Аму югуради, қалбида ҳаёт,
Қум қалбига сингиб бир оқай дейди!
Туркман қизларининг сулув сочларига
Қорақум боғидан гул тақай дейди!

Ҳаваси келарди Сирга ҳамавақт,
Унинг Мирзачўлда очган богига.
Унинг ҳар хонада, ҳар хиёбонда, —
Порлаган нурига, бахт чироғига!

Лекин ётар эди икки қанотида
Бепоеъ водилар сув сўраб бутун.
Аму тошар эди излагандай води,
Қаерга қўярин билмай қудратин.

Мана энди Аму Қорақум чўлидан
Топмоқчи кенг чаман — янги Фарғона.
Ўрнатмоқчи бўлар ҳаётга ҳайкал,
Совет кишиси-ла унда мардона!

Аму югуради озод тупроққа,
Чўл блан чаманни иккига бўлиб.
Нариги қирғоқда ҳамон нола кезар,
Бадахшон боғларин фиғонга кўмиб.

Тонг варағланади...

Бу фиғон ҳамон
Совет қўриқчисин қулоқларида.
Менинг ватанимда қўшиқ янграйди —
Совет Бадахшони қишлоқларидан!
Қўшиқларга бойдир тоғли Бадахшон,
Тонгдан уланади колхозма-колхоз;
Бутун Ватан бўйлаб кетар силсиласи,
Тинмасдан жаранглар кечаю-кундуз.

Бу қўшиқ бахтиёр қизлар қўшиги,
Бутун ер юзини тутар парвози!
Обод, чаман колхоз пахтазоридан —
Юксалган бахтиёр ёшлар овози!
Бу етар қоронғи Бадахшонгача!
Мазлум Шарқ бу куйга солади қулоқ!
Сўлғин юзларида гуллар табассум,
Гўё қалбларида ёнади чироқ!

Чунки, бу қўшиқнинг қаноти бахтдан,
Юраги зафардан яралган асли.
Чунки, бу қўшиқда озод ҳаёт бор,
Чунки, буни куйлар озод шарқ насли!

Тонг варағланади жануб нуқтада,
Аму шу қўшиқдай оқади озод!
Уни булғатолмас ёвуз ниятлар,
Аму қалби тўла нур блан ҳаёт!

Қовжираб ёнади нариги қирғоқ,
Амуга интилиб ҳаёт сўрайди.

ИККИ БУЛБУЛ

(Баллада)

Икки булбул кўринди кўкда,
Учиб келар эди биз томон.
Мазлум шарқдан кўтарилмишиди
Чаман излаб, истаб ош'ён.

Учдилару, улар ортида
Ўрлаб қолди дуд бўлиб ҳасрат.
Бу ҳасратки, қашшоқ, бечора,
Нонсиз қолган одам чеккан дард.

Келгиндилар дастидан бунда
На файз қолди, на қолди ором;
На эрк қолди одамда, на дош,
Бахт этилди бадарға, бадном.

Ғазаб қолди фақат, одамда,
Интиқомға айланди бардош.
Ахир, чўлга айланди ўлка,
Отилишга тайёр ҳатто тош.

Бор бахтини олиб халқларнинг,
Ҳасрат берди касофат „меҳмон“

Бу ўлкада одаммас, ҳатто
Қуш ҳам энди тополмас омон.

Шунинг учун қушлар ҳам тўзиб,
„Ҳаёт“ излаб кетишди ночор,
Кенг ва бахтсиз ватанларига
Ҳаёт тилаб, тилаб бахт, гулзор.

Учишдилар жуда баландда,
Остларида бепоён саҳро.
Саҳро асти тугамас эди,
Гуё ундан иборат дун'ё.

Учишади энтикиб, пишиб,
Саҳро ёнар худди оловда.
Ҳарён саҳро, ўркач-ўркач қум,
Қуринмасди қилт этган новда.

Улар чўлда узоқ учишди,
Енгиворди ташналик, ахир.
Она булбул ҳолдан кетаёзиб,
„Эркам“ деди, „айтайин бир сир:
Бу чўл асли ялмағиз бир чўл,
Қуш учганда қаноти куйган,
Чўлда қолиб чанқоқ ҳамда оч,
Қанотимас, ҳаёти куйган.

Ҳар ёз ўтар эканмиз бундан,
Биттамитни берамиз қурбон.
Энди менга етипти навбат,
Эркам, бунда бермоқ учун жон“.

Шу сўзларни дедию она,
Қанотлари қайрилди бирдан.
Бола булбул даҳшатга келди
Бу аҳволдан, бу хунук сирдан.

Онасининг пинжига кирди,
Қанотидан кўтарди уни.
Кенг ва баланд чўл осмонида
Давом этди она сўзини:

„Сен билсайдинг, қандай истардим
У бўстонни яна бир кўрмоқ.
Қандай яхши, у мамлакатда
Тўйиб-тўйиб сайрамоқ қувноқ!

Сен у юртни билмайсан ҳали,
Асл чаман ундадир, билсанг.
Сен туғилдинг офат юртида,
Юпунликда кўз очдинг аранг.

Юртимизда гул эмас, ҳатто
Бахтсизликдан ҳаёт қурийди.
Келгиндилар касофатидан
Ниҳол эмас, тош ҳам чирийди.

Ҳу, узоқда, билиб қўй, эркам,
Чиққанимиз истаб, сўроғлаб!
Етиб борсанг у чаманзорга,
Ҳаёт сени олар қучоглаб!

У мамлакат шундай диёрки,
Фақат боғдан, баҳордан ҳосил.

„Мана шулар,— деди,— мен айтган —
Мард одамлар, озод одамлар!
Булар юрган жойдан мангуга
Йуқолади офатлар, ғамлар.

Ҳаёт, ором, бахт излаганлар
Шу томонга келурлар ҳар ёз.
Оҳ, қачон биз ўз юртимизда
Шундай қилар эканмиз парвоз?“

Қанот қоқиб тушдилар улар
Ҳали беном янги қишлоққа.
Сайрадилар юзларин суркаб,
Янги лола, янги япроққа.

Сайрадилар бор овоз блан,
Чўлни босди уларнинг саси.
Яна кўкда келарди тўлиб,
Беҳисоб булбуллар галаси!

МАКДОНАЛЬДГА ЖАВОБ

Бирлашган Миллатлар Ташкклсти
Бош Ассамблеясининг 1950 йил 10
ноябрьдаги мажлисида Макдональд
СССРда халқларнинг тенг ҳуқуқли-
лигини инкор этишга уринди.

Йўқ!

Игво бу гаплар!

Беринг менга сўз!

Халқлар минбарини булгаманг, жаноб!

„Оқ уй“ залиданмас,

сизга халқларнинг

Ер юзи залидан қиламан жавоб!

Нега сескандингиз,

танимадингизми?

Келингчи,

юзма-юз бир гаплашайлик!

Сизни мен танийман бўлмаса,- жаноб,

Боқинг,

боқолсангиз кўзларимга тик!

Ёдингизда борми,

бешикда эканман,

Бўғиб ўлдирмоққа пусиб келганингиз?

Аламзада, каззоб босмачиларга

Енг ичида қилич берганингиз?!

Эсингизга солиб қўйдим, чоғимда,—
Ўша абгор, қора кунингизни бехос?
Ўзи, кўпчилик вақт шундай бўлади:
Тама'гир тумшуқдан илинур,
бу рост!

Ажаб...

Яна Шарқни тилга олдингиз,
Безрайиб минбардан қилдингиз иғво!
Суяб турди чоғи Оқ уй миллиардери,
„Зўр“ бўлди ҳайқириқ,
„зўр“ бўлди да'во!

Қайда экан ўша сиз айтган шўрлик
Ҳуқуқсиз „бандалар“, „темир пардалар?“
Қайси шарқда экан у „гигант қафас?“
Алжидингиз, жаноб, тагин нақадар!
Адашманг!

Сиз айтган ғариб фуқаро
Мазлум Шарқ томонда инграйди, тингланг!
Асрлардан бери ташиб тугатдингиз,
Бечора йўқсулнинг ҳануз ҳоли танг.
Боқинг,

менинг азиз юртимга боқинг,
Уни ёритмоқда ёқут юлдузлар.
Қаранг, ҳасад қилинг!
Кўраолмаса,—
Кўр бўлишга лойиқ у мўлтон кўзлар!
Сизнинг ғараз блан айтган сўзингизни
Бутун борлиги-ла рад этади у.
Рад этади шарқнинг маш'али Тошкент,
Тошкент — ўзбекнинг фахрига кўзгу!
Рад этади бутун ғазабга тўлиб,
Бахту фароғатда яшнаган диёр,

Улуғ партиямиз меҳрига қониб,
Озод нафас олган бунда неки бор!
Рад этади ҳарбир хонада ноёб,
Му'табар китоблар, ма'рифат макон!
Навоий рад этар, қаллоб сўзларингиз,
Пушкин қаторида туриб ёнма-ён!
Бутунлай рад этар уста Ризаматнинг —
Минг хил мева берар анвойи боғи!
Улуғ партиянинг сўнмас меҳри блан
Сирдан шу'ла отган Фарҳод чироғи.
Буерда изғимас

тинчлик тарафдорин —

Ортидан юргучи Ироқ кўппағи.
Ирқий васвасалар сизга хос, фақат,
Биз учун бу гаплар Бағдод чўпчағи.
Роса саваланиб Хитой урушида
Денгизга ташланган аскарларингиз, —
Мушукдай дилдираб Формозада турар
Гўшт кўрган ит каби жилпанғлаб, юзсиз!
„Енгилган курашга тўймас“ дегандек
Вьетнамга ҳам кирди „Янки“ блан „Сам“
Аммо, Вьетнам ҳам тор келиб қолди,
Қочишга йўл топмай гаранг, муттаҳам!
Корея росмана киришгач жангга,
Қочди аскарингиз шаталоқ отиб.
Қаранг,

Шарққа қаранг,

Янки қочди-ку,

Корея олдида эсин йўқотиб.
Чиранмоқ учун ҳам орқапушт лозим,
Ҳамда юрак керак оловдай, тоғдай,

Алданиб, ем бўлиб Кореяда ўлган
Турк солдатларининг аҳволига „вой!“
Сизларга „Трумэн назарияси“,
„Маршалл плани“ ҳам иш бермаётир.
„Атлантик аҳди“ нинг миси чиқди тамом,
Ҳарбири ўзидан қилур хавотир.
Тамом йўқотдингиз ишончингизни,
Сизга ёлғон қолди, фақат гап қолди,
Миллатларни яниш, ҳақорат, бўҳтон,
Сизда одамгарлик турқи йўқолди!
Сиз айтган „беҳуқуқ“ шарқли деҳқон
Бугун ўтказмоқда ҳосил тўйини.
Сизнинг аскарингиз тинтимоқда бу вақт
Эрон ишчисининг юпун уйини.
Титрадингиз чоғи бу сўзлардан,
Инкор этишидан сизни ҳақиқат.
Рад этади сизни, бунда яшаётган
Дўст халқлар ҳуқуқи, салоҳият, бахт!
Сизни рад этади бугун

шараф блан —

Сўзининг устидан чиққан пахтакор,
Тинчлик вахтасида турган тўқучи,
Шаҳар қураётган оддий бинокор!
Бу — бизмиз, бир йилда канал битириб,
Чўлда хирмон-хирмон ҳосил етказган.

У сиз —

Кичкина бир Панама каналин
Ўттиз тўрт йил уннаб зўрға битказган.

У сиз —

Олтин қирғоқ деган бир қарич ер,—
Бир парча элатнинг етмай додига,
Уч минг беш юз йилни мўлжал қилдингиз,

Ўзи уч минг келмас халқ саводига.
Бу — Совет халқидир — қўлни қўлга бериб,
Хур ҳаёт, боғи-роғ барпо қилолган.
Бу — Коммунистлардир — дар'ёни чўлга —
Буриб,

Чўлни гулга айлантиролган!
Иғво тўқиш учун, ёвуз кишига
На виждон керагу на номус, бу ҳақ!
Аммо, ҳақни кўрмоқ учун ботир кўз,
Айтмоққа — ботир тил керакдир мутлақ!
Кимнинг тили борар Америка халқин —
Ҳақорат қилмоққа бизнинг томонда!
Асти севмайдилар беодоб, бебурд,
Беномус кишини бизнинг замонда.
Биз тинчлик ва дўстлик тарафдоримиз,
Сўзимиз қат'ийдир, самимий ва ҳақ!
Америка — сиз-мас,

Америка бошқа,
Америка бу — халқ, тинчликсевар халқ!
Биз севган, уйлаган Америка

бу —
Озод ишчи-деҳқон Америкаси!
Келажаги порлоқ, қўшиқ каби эркин,
Говард Фаст, Поль Робсон Америкаси!

Бир гуруҳ иғвогар алжигани блан
Шум ният юзага чиқавермайди.
Иғво, афсоналар, бўҳтон, шантажлар
Ҳа, деса, шаҳарлар йиқавермайди.
Шаҳарнинг қуручи, ясовчиси бор,
Қуручиси ҳам халқ, ясовчиси ҳам!
Сизга нима қолди энди „афандим?“

Бир ғалтак қоғозу, бир бойлам қалам!
Шундай бўлгандан сўнг ёзинг, ёзаберинг
Ифлос ва шармисор та'рифингизни.
Билмадим, эсларми экан келажак
Ла'нат тамғалаган „та'рихингизни“
Мана шундай сизнинг қисматингиз, сэр,
Ёвуз одамларга тарих ҳукми шу!
Ўз дипломатининг оташин нутқиға
Ўзбек шоирининг иловаси бу!

1951

КУРАНТ ЗАНГ УРАДИ

(Баллада)

Нозим Ҳикматга

Нақадар чиройли,
жимжит тун қўйнида —

Илҳомим бандига бир занг уланди.

Нақадар гўзал бу:

Кремль куранти-ла

Баробар занг урди Тошкент куранти!..

Курант занг уради:

соат ўн икки,

Янги кун бошланди;

кеча сокин,

соз!

Обод хиёбонлар оралаб ўтиб,

Тун қўйнига сингди бу янгроқ овоз.

Яна бироздан сўнг тонг оқаради,

Қўшиқ дар'ёсида чайқалур води!

Бир ажиб ҳис блан бошланур озод —

Советлар шарқининг қайноқ ҳаёти!

Курант занг уради,

унинг салобатли,

Оҳанграбо зангин тинглайди олам!

Сиёҳ тун бағрини чақмоқдай ёриб,
Нотаниш дўстларга элтади салом!

Курант занг уради,
 бутун шарқ тинглар;
Нанкин ишчисининг юзида шодлик,
Ва Лут саҳросида карвон қўнғироги —
Ногаҳон тўхтайди...

 гўё озодлик!
„Озодлик!?“..

 — Иўқ ҳали!
 Йўқ ҳали, афсус,
Ҳали Нозим Ҳикмат та'қибда,
— Номус!
Бу қандай ҳақорат?!
 Қўшни шарқда изғиб,
Хўжайинлик қилар янкилар ҳануз!

*
*

Курант занг уради!..
 Денгиз довулидай
Турк тупроғига ҳам боради бу бонг.
Тунни қувиб борар нурдай шиддат блан,
Қиличдай ярақлаб отар оппоқ тонг.
Тонгни кутиб олар ис'ёнкор шоир,
Халқининг носаси қулоқларида.
Халқининг ғурбати,
 халқининг ғами,
Халқининг дардлари ёноқларида.
Ўйчан юзларига уриб кетипти
Мудроқ авахтанинг захи, азоби.
Кечагина чиққан турмадан шоир,

Боқар мазлум шарққа,
қўлда китоби...
Дарича ёнида,
стол атрофида —
Асабий кезинар...
Асабий ёзар,
Озод кабутарни куйлар,
Куй блан —
Тунга оро берар,
тунни ўтказар!
Унинг қўшиқлари мисоли лочин,
Чаппор уриб учар, учар илгари!
Бу бунтар қўшиқлар тўсиқни билмас,
Қўлдан қўлга ўтар қурол сингари.
Ҳарбир муюлишда бу қўшиқларни
жандарма қувади,
қулоқлари динг.
Тўхтатаолмайди аммо,
гангиб қолар
Кураш майдонида келолмасдан тенг.
Уни янчиб ўтар Нозим қўшиқлари,
Тилдан тилга кўчар,
элдан-элга!
Тақиқ этган сари қудрат кашф этар-да,
Чақмоқдай гулдираб айланар селга!
Уни тўхтатолмас ҳечқандай фармон,
На қилич,
на қамчи,
на доллар,
на дор!
Ҳақиқат қудрати олдида зотан
Типирчилаб қолур ҳарқандай маккор!

Бү куч қаршисида сармоя ҳечдир!
Офат урчитучи ёвузлар ҳам лол.
Ис'ёнкор қўшиқлар ўқдан ҳам ўткир,
Халқлар қалбида у оташин қурол!

Кеча „иш кўрсатди“ қабиҳ ният блан
Яна Нью-Йоркнинг газандалари,
Тинчлик ҳомийларин тўсди овозини,
Иғво,

шармандалик „пазандалари“:
Турмага ташланди адолат, ҳуқуқ,
Мардлар этилдилар ўлимга маҳкум;
Тўп—гардан,

муғомбир,
такаббур жаллод
Ҳечбир сесканмасдан ўқиди ҳукм:
„Анқара ҳам шундай қилмоғи керак!“ —
Деди у гердайиб.

Аммо, шу замон —
Поль Робсон қўшиғи янгради,
босди —

Чинқироқ овозин!
Гурлади жаҳон!

*

Ана шундай бу кун халқлар ғазаби,
Судлар,
„Бўҳтонюн“лар келаолмас бас!
Тўфонлар остида қолиб кетмоқдалар

Дун'ё сармоясин қилганлар ҳавас!
Ис'ёнкор овозлар қамраб олмоқдадир
Бутун ер шарини,

мардларга шараф!

Бу овоз революция довули каби
Уолл-стрит қурган кемаларни
Писта пўчоқ каби чайқатиб, отиб,
Парчалаб бормоқда бу кун жадаллаб,
Тинчлик овозига,

мардларга шараф!

Стокгольм хати — да'ватномаси
Намоиш қилмоқда халқларнинг кучин.
Лион докерлари қўл қўйган бу хат
Ўз сўзли оналар қўлида бугун!
Ҳали да'ватнома океанларни ҳатлаб,
Мағрур одим блан борар илгари.
Юртма-юрт,

уйма-уй,

қўлма-қўл ўтмоқда,

Фучик варақаси,

Нозим қўшиқлари,

Пабло Неруданинг ше'ри сингари!
Бу куч — шундай кучга айланмоқдаки,
Таҳликада қолди сармоядорлар.
Уяси бузилди ўргумчакларнинг,
Касод бўлиб қолди „атом-бозорлар!“
Қудратли сиртмоқдек сириб бораётир
Бу қудрат уларни ҳар кун, ҳар онда.
Юзинчи қаватдан ташлаб қутилулар
Форрестол сингари бўлиб шарманда!
Халқ ва тарих ҳукми шундай беаёв
Тинчлик душманлари бўлур хокисор,

Лабзи қуроқ бўлиб кетган галамис —
Халқаро лўттибоз Черчилль шармисор!

Курант занг уради,
гуркирар жаҳон...
Жим қолди оташин шоир...
Ким билсин,
учқур хаёллари буюк шоирнинг
Қайларга улоқди?
Қайларга кетди?
Москва ўйлари,
гўзал хотиралар
Балки хаёлини яна банд этди?
Ёдига тушдими Колонна зали,
Ше'р ўқигани босиб ҳаяжон!
Тунлар ухламасдан шаҳар кезгани,
Кремль
Куранти...
ва Қизил Майдон!
Москвага боқиб тўймади асти
Тўймагани каби ҳаётга ҳали.
Ҳали-ҳали ўчмас шоир ёдидан
Тверской бульвар,
Пушкин ҳайкали...
Нозим ҳамроҳини тўхтатди бир дам,
Ҳайкалга шундаям суқ блан боқди.
Сўнгра ше'р ўқиди ўз тилида гўзал,
Ше'ри аламлардан, ғамдан йироқ-ди!
Улуғ Москвага тўқиди ғазал,
Улуглаб куйлади коммунизмни!

„Шояд эшитсайдим, — деди, — янграса
Юртимнинг ҳаётбахш қудратли гимни!“

* * *

Курант занг уради!

Тун сокин,

ғўзал...

Кремль курантин илғади кўзи,
Балки буюк Сталин кўринди унга,
Владимир Ильич кўринди худди,
Табассуми ғўё нур берди тунга.
Сакко, Ванцеттини эсладими тагин,
Ғазаб чизигини тортди юзлари!
Хаёл дар'ёсига чўмдими яна,
Бир нуқтада қолди яна кўзлари...
Яна ўша турма,

яна Истамбулми?

Яна ўша даҳшат — қоп-қоронғи тун?
Яна ўша бахти қаро ва қашшоқ —
Халқи ўтди ғариб,

кишанбанд,

тутқун...

Курант овозининг тўлқинига яна
Чирмашди бир маҳал бунтар қўшиқлар.
Нозим хаёлида таниш мисра'лар —
Қулоғига инди,

дилдор қўшиқлар!

Таниди,

турмада ёзгани,

ўша!

Ўша найзабардор мисра'лар ўзи!
Тик қотиб тинглади ҳаяжон ичида:

Ўн уч йиллик азоб,
қоронғу кунлар
Шоир кўз ўнгидан мангу йўқолди.
Халқлар сиқувига туруш беролмади
Ахири на мажлис,
на Оқ уй,
макр.
Темир панжаралар кул-кул бўлиб кетди
Бу куч қаршисида!
Қутилди шоир!

* * *

Шундай таассуроти бузилди бирдан,
Корея тутуни босди кўзини.
Оташ ҳалқа ичра турк „ўглоплари“ —
Отиб ўлдирарди ўзи-ўзини.
Ғазаб-ла қичқирди шоир:
„Чекининг!
Янкига қаратинг қуролингизни!
Нега ўқ узасиз ўз бахтингизга,
Бунга қайси хоин йўллади сизни?!
Чекининг!..“

Титради лаби асабий,
Юрти қисматига дили оғриди...
Сўнгра ўйлаб кетди яна ўтириб,
Истиқбол тўғрида,
иқбол тўғрида,
Шоир илҳомлари яна тўлқин урди,
Оташ мисра'ларга эрк берди шу дам:
Миллат мажлисининг ҳолига кулди,
Ғолибона кулди соҳиби қалам!

Курант занг уради!
Бутун шарқ тинглар —
Тошкент курантининг янгроқ овозин!
Тинглар бу озодлик, ҳурлик рамзини
Ҳурлик қўшиқчиси — ис'ёнкор Нозим!
Яна бироздан сўнг тонг оқаради,
Қўшиқ дар'ёсида чайқалур води!
Бир ажиб ҳис блан бошланур озод —
Советлар Шарқининг қайноқ ҳаёти!

1950

Алла, алла,
 ухла, оппоғим,
 фароғат онидир.
 Тинчиб ором ол,
 бу бұстон
 бахтлар бұстониدير.
 Алла, ўғлим,
 алла, жоним,
 меҳрибоним, алла.
 Толиинг порлоқ,
 гулистон боғдасан,
 мен боғбон,
 Ҳечким оромингни бузмас,
 ҳам бузолмас,
 Ҳеч қачон!
 Алла, ўғлим,
 алла, жоним,
 меҳрибоним, алла.
 Бир табассуминг ўзи
 бўлғай ёруғ оламга нур.
 Москва бизга мададкор,
 юртимиз тинч, бахтли, ҳур.

Ёв бузолмас тинчлик, оромингни
ўғлим, алла.

Жонгинам,
булмайди вайрон
асти сен юрган чаман.

Ёв киролмас юртга,
ўғлим,
Бор эканмиз Сен ва Ман.
Москва бизга мададкор,
ухла жоним, алла!

1952

МАЗЛУМ ШАРҚЛИ ДЎСТИМГА!

— Мен озодлик ва бахт излаб
шаҳар—қишлоқлар кездим“.

(Бир мазлум Шарқ шоиридан).

Йўқ, азизим!

Мен

сен каби ахтармадим озодлик.

Бахт ахтариб йиғламадим

ва кезмадим шаҳарлар!

Сеникидек юлинмади бағрим,

дун'ё кўраркан,

Фар'ёдларга уланмади ёзганларим саҳарлаб!

Туғилдим-у,

эркнинг ўзи қарши олди бахт блан,

Шодлик блан йўргакландим,

вафо блан йўғрилдим.

Бир Ватанда туғилдимки,

куйлар эди озодлик,

Озодлики,

унга мангу дилкаш,

ҳамнафас бўлдим.

Мени баҳор аллалади қанот ёзиб бошимда,

Россиядан келган баҳор,

Москванинг нафаси!

Қўшиғида озод ҳаёт,

озод чаман.

озод қалб

Ва мангуга парчаланган зулумотнинг қафаси!
Алла, — деди, фароғатда,

юзларида табассум,

Юзларимга шу'ла ёйди

юзларидан тушган нур.

Алла, — деди, — она-Ватан,

оналардай кўп ма'сум,

Оналардай олийжаноб,

оналардай хўб мағрур!

Ана шундай,

бошим узра куйлар эди озодлик,

Ватан шундай қарши олди

мен туғилар эканман!

Ана шундай улғайтирди:

сел келса — симиргин, деб,

тош келса гар — кемиргин, деб,

мен улғаяр эканман!

Менга синмас қанот бўлди революция қўшиғи,

Эркин, баланд парвоз қилдим,

парвоз қилдим мардона!

Ташналардек тингладим мен Ленин ўғитларини,

Сталиннинг дарсларини

тингладим қона-қона!

Горький қалам берди менга,

сафлан, деди, сафимга!

Худди солдат тинглагандек мен ҳам уни тингладим.

Бу жанговар сафда оғир давонларни ошаркан,

Бу йўлларнинг шарафидан

Оғирлигин билмадим!

Одимладим қалам блан бахтиёрлар сафида,

Одимладим дадил,
тетик,
улуғ Горький изидан.
Узоқ тунлар варағладим саҳифалар...
(беҳисоб!)

Келгусини кўрдим Ленин ва Сталин сўзидан!
Менинг асл ҳаёт йўлим мана шундай бошланган!
Бу йўлни мен босиб ўтдим шараф блан,
бахтиёр.

Ўнолти халқ,
турли-туман миллат бўлиб бир Ватан.
Коммунизм биносига қўймоқдамиз пойдевор!

Лекин, ҳабаш:
(менинг блан бир вақтда туғилган),
Ҳамон гадо,
озодлик ва бахтиёрлик гадоси!
Ҳамон излар сендек куйиб озодликни майдонда,
Бир майдонки,
кўкка ўрлар жанговарлик нидоси!
Менинг блан бир туғилган грек ҳамон жанггоҳда!
Араб ҳамон қулдан баттар,
заҳматдан қўли қадоқ.
Офтобда қовурилган дашт йўлларида жазойир—
Бахт ва ҳурлик излаб юрар
яланғоч,
ялангоёқ.

Менинг блан бир туғилган турк қизининг ёшига—
Тимсоҳ чидайолмайдию,
лекин, Мажлис тебранмас!

Чодирада нажот кутар,
нажот излар,

Нажоткор —

Йигитларнинг йўлларида кўзи қолган,
(кўп шикаст...)

Мен пойдевор қўйганимда социализм номидан,
Юлиус Фучик Чехияда—подпольеда юрарди.
Мен Сталин лекциясин тинглаб ўтирганимда,
Испан ватаншарварлари баррикада қуради!
Мен шахтада Ватан бўйлаб рекорд қўйган чоғимда,
Шонлар блан беағанда улуғвор беш йилларни,
Узоқлардан кўриб турдим:

„Яша, бор бўл, Сталин!“ —

Деб янграган овозларни ва елпинган қўлларни!

Улар менинг тенгдошларим:

буюк хитой, чех, румин,
венгр, поляк, немис, албан,
у навқирон йигитлар!

Булар олам тинчлигига қўймоқдалар чўнг замин!
Вьетнамда:

Хо-Ши Миннинг

(менга тенгдош)

солдати

Ватанининг бахти учун ҳамон юради қонда.

Кореяли оловюрак

(Ким-Ир Сеннинг жангчиси)

Ватанига босиб кирган ёвни енгди майдонда.

Олов тутар ер юзининг узоқ бурчакларидан,

Одам ёнар,

элат ёнар,

юррак ёнар,

эрк, армон.

Ҳамон ўша эски хоин

(сигарета оғзида),

Авантюра оғилида гўё талашади жон.

Мен заводлар қурганимда довруқ солиб жаҳонга,

Ўша эди жавабаси тутиб, сапчиган кўкка.

Йўқ! — дедию,

Йўқ, деганча тушиб кетди нафаси,

Тегиб кетиб Днепрдан оққан қудратли токка!

Мен колхозга кирганимда яна турди ўрнидан,

Колхозгача кириб кўрди енг ичида,

(яширин),

Тумшуғидан зарба еди ёввойи чўчқасимон,

Ҳали-ҳали унутолмас бу зарбанинг та'сирин.

Зўр қудратли бешйилликлар самараси кетма-кет

Қишлоқларни гуркиратди,

зулумотни ёритди.

Бу улугвор қадамимиз йилларнимас,

ҳаттоки,

Асрларни йўлда қўйди,

асрларни қаритди!

Бу зўр қадам:

Алексеев қадамидир — пойдор.

Бу зўр қадам:

Ангелина,

Чутких,

Лола қадами!

Бу зўр қадам:

Матросовнинг,

Гастеллонинг,

Зоянинг,

Назарали-Ниёзовнинг мард, мардона қадами!

Бу одимлар шундай зўрки,
қудратига ҳечбир куч,
Ҳечбир тўсиқ,
ҳечбир тўфон
Чунки, булар: келаолмас рўбарў.

янги одам,
янги қудрат,
янги куч,

Бизни улуг йўлга солган коммунизм сафи бу.
Бу колонна шиорида янгра тинчлик қўшиғи,
Мавжи денгиз тўлқинидан,
нури қуёш нуридан!

Қўшиқ нурдай ёйилмоқда,
ёритмоқда узоқни,
Нақароти бахт ва эрдан,
партия шууридан!

Бу колонна йўлларида чайқалмоқда Днепр,
Волга маш'ал тутиб чиқди шон тўла йўлларига,
Аму поёндоз ёзмоқда Қорақум чўлларига,
Камар бўлиб ўралмоқда бу ёйилма дар'ёлар —
Шараф йўлларига чиққан мардларнинг белларига.
Москвага боққан буқун ҳамма азим дар'ёлар,
Томир бўлиб туташмоқда Ватанимиз қалбига!
Шунинг учун тўлқинлари ўхшар қардош халқлар-
нинг —

Томирига,
ва тинч, соғлом уриб турган зарбига!

Бу дар'ёлар — она Волга симларига туташиб,
Коммунизм йўлларида ёритучи чароғбон.
Мана буқун ёллар кўзин минггинчи бор куйдириб,
Атом электростанциясин ишга солди ҳур инсон!

1953



САФАРБАР САТРАЛАР



ДЕНОВДА БАҲОР

Чақалоқ қалбидай гупурган ва шод,
Бизнинг ёшлик каби беғубор, кўркам,
Шоир илҳомидай янги, зўр ижод —
Самараси блан кўринди кўклам.

Колхоз қишлоғига сепини ёйиб,
Қалин боқчаларда кулиб кўринди.
Юзини қизлардек сувгами чайиб,
Яшил далаларда тўлиб кўринди.

Сурхон бўйларида сабз урмиш баҳор,
Бойсун йўлларига тўшалмиш гилам.
Бойсун тоғларида оппоқ-оппоқ қор,
Денов водисиди одам ва кўклам!

Бу йил сепин ёйди яна ўзгача,
Қутлуқ қадам блан кириб келди у.
Файз тўкиб ҳаттоки тақир бўзгача,
Келди кенг осмондек кашф этиб кўзгу.

Симоб каби сувлар тоғларни тароғлаб,
Сойларга югурди, гумбурлаб елди.

Трактор устида ерларни ямоғлаб,
Колхозчи „баҳор қиз“ яроқлаб келди.

Пахтакор кўклами бошланди демак,
Демак, ихлос блан ерга тушди дон.
Хушхабар янгради:

жадаллаб бешак
Экишни тугатмиш деновли деҳқон.

Раиснинг шодлиги қалбига сигмас,
Зафар қўшиб эккан чигитга гўё:
Бу йил қурултойда берган ва'дасин
Биринчи бобини бажарди а'ло!

Оқ йўл сизга, азиз дўстларим букун,
Азамат трактор минган полвонлар!
А'ло ҳосил учун,
фаровонлик-чун

Оқ йўл,
оқ йўл сизга, марди майдонлар!

САҒАРБАР САТРАЛАР

Янгранг,
менинг жарангдор,
сафарбар сатрларим,
Жанговар ва забардаст,
қалбимнинг ёлқинлари!
Горький бўрон қушининг довюрак
парвозидан —
Та'лим олган қўшиғим,
илҳомим тўлқинлари!
Аму бўлиб чайқалинг, жўшинг,
мавжнинг вақтидир!
Шараф майдонларида қадам отинг мардона!
Бор овозингиз блан,
қалбингиз-ла ҳайқиринг,—
Ленин шиорларини Маяковскийёна!
Букун зўр довруқ блан юксалмоқда музаффар—
Буюк коммунизмнинг буюк иншоатлари!
Юртимизда охирги дашти-биёбонларнинг
Қолди охирги оти, охирги соатлари!
Эрта у даштларда ҳам гуркирайди зўр ҳаёт!
Бир ҳаётки, партия идрокдан баҳраманд:

Биринчи йилда водиларнинг синаси —
Бири-бирига йўлдош,

бири-бирига пайванд!

Биз бўлсак, шу тинчликнинг чўнг бинокорларимиз!

буғдой ураётган ҳам,

Пахтакор ҳам, ҳаммамиз тинчлик аскарларимиз!
Сафланинг,

қанотланинг,

сафарбар сатрларим!

ТИНЧЛИКНИНГ ВАХТАСИДАН ЖОЙ ОЛИНГ.

демак, ҳосил кўринди!

Мадад бўлиб деҳқоннинг юрагига айланинг,
Сиз, ахир, халқимизнинг кўз нуридан баҳраманд
Пахтакорлар хатига қўл қўйган сатрларсиз!
Кишиларнинг самимий қалбига тўлқин берган
Оташин ва ҳақиқий, биз суйган сатрларсиз!
Сўз бердингми,

ижро эт ўз вақтида,

ва сўзсиз!

Бу — ленинча та'лимот,

сталинча йўл-йўриқ;

Ҳозир яшил далалар ҳосил ва тинчлик учун
Курашнинг аҳди-шавқи, илҳоми блан тўлиқ!
Ана шу илҳом блан мавж уринг, сатрларим,
Қўшиқ бўлиб гурулланг деҳқон қизлар тилида.
Посбон бўлинг ҳар битта ғўзанинг шонасига,

Ипак қуртидек сиз ҳам ҳосил ўранг гулида!
Ёв кўзини куйдириб яшнанг, юксалинг яна,
Мўйдинжон Умаровнинг ғузалари сингари!
Шона эмас, ҳаттоки, шохлари орасида
Кўринмоқда мўл ҳосил гарави — кўсаклари.
Ахир, чигитгинамас экканимиз навбаҳор,
Экканмиз уни мангу тинчликнинг уруғи деб.
Демак, ҳарбир ишимиз фароғатнинг гарави,
Қудратимиз манбаи, юртимиз довуғи деб.
Тинчлик ҳарбир ғузанинг нафас олишидадир,
Тинчлик ҳарбир деҳқоннинг юрагида, дастида!
Сиёсий муттаҳамлар қабиҳ ниятлар блан
Изғийди бу тинчликни бузиш, топташ қасида.
Лекин, тинчлик калиди ҳақ ва эрkning қўлида,
Ортмоқдадир кундан-кун бу курашнинг қатори!
Миллионлар байроғида оламни ёритмоқда
Янчиб қора тунларни коммунизм шиори!
Парвоз қилинг яна ҳам юксакроқ эй, мисра'лар!
Ёв кўзини куйдирсин Ватаним, ютуқларим!
Ватан учун,

эрк учун,

улуғ партия учун

Жанг ўтида тобланган аскарый қўшиқларим!

ИЮЛЬ

Кўзингиз ғўзадами?
Қаранг, нақадар кўрам:
Кўмкўк, текис, саломат
Ва гуркираб туриши.
Дарак беради шаксиз
Баланд ҳосилдан бу дам,
Қалбимизга хўб монанд
Унинг юрак уриши,
Мисоли қалбга пайванд!

Ғўза гуллади қийғос,
Кўсак боғлади шона.
Шошириб қўйди ҳатто
Уста қаҳрамонларин.
Демак, бошланди ҳосил —
Курашининг мардона
Ҳал қилучи ойи ҳам
Ҳал қилучи онлари!
Зойи' кетмасин ҳар дам!

Улуғ Ватанимизнинг
Меҳри дилимиздадир,

Уни шод этар ҳарбир —
Қозонган зафаримиз.
Яқин, иссиқ нигоҳи
Ҳарвақт ғўзамиздадир.
Офтоб каби равшан
Ҳарбитта хабаримиз
Зафар бўлади зотан!

Ахир, ва'да берганмиз
Йил бошида, бегумон
Берамиз, деб пахтадан
А'ло ҳосил бекам-кўст;
Бирга чекканмиз имзо
Олти қўшни-қадрдон,
Бўлиб бир жону бир тан,
Олти ўртоқ, олти дўст,
Олти халқнинг номидан!

Имзолар — бирлигимиз
Символидир ватанда!
Дўстлик дар'ёларининг —
Бирлашган қудрати бу.
Дар'ёлар тиниқлигин
Булғатолмас ҳарқандай —
Четдан улоқиб келган —
Ёт, ярамас, лойқа сув!
Енгилмас тоғ бу Ватан!

Ҳа,
Дастлабки ютуқлар
Қилмасин ҳеч хотиржам!
Бу каби кайфиятлар —
Бизга ётдир, пахтакор!

Балки, сен қилган меҳнат,
Сен берган ҳарбир грамм —
Пахтада, тинчлик учун
Ғоят кучли мадад бор,
 Меҳнат — фароғат бутун.

Кўзингиз ғўзадами?
Қаранг, нақадар кўркам:
Тебранасиз гўёки
Кўмкўк денгиз мавжида.
Тинглайсизми, далада
Қандай фароғатли дам,
Қойил қилган қизларнинг
Яллалари авжида!
 Қаранг, нақадар кўркам!

Қайбир куни Парпи хола „Раисбек“ка —
Арз этипти Дуланбойнинг теппасидан.
Хаёлига келган гапни унга тикка —
Гапирипти, қайтармай бир чеккасидан.
Я'ни, депти:
Дуланбой-ку бизда ўзи
Ҳам кетмончи, ҳам теримчи, ҳам газетхон.
Ҳамма дейди:
„Дуланбойнинг ҳарбир сўзи —
Олтинга тенг“, ўзи бўлса хўп саводхон.
Газеталар ўқиб берар шариллатиб,
Ба'зиларни мақтаб қолар битта-битта.
Ўзимизга гал келганда четлаб ўтиб,
Гапиради гунгалакдай калта-култа.

Парпи хола чидалмади бу „хўрликка“,
Тепа сочи тикка бўлиб кетди, шошиб.
— Товба,— деди аччиғидан,— бу шумтака
Не қилмоқчи шундай кунда ҳаддан ошиб?
Ҳа деб мақтар Турсуною Тожихонни,
Нима гуноҳ қилақопти ўз колхозини?

Достон қилиб олган фақат Марғилонни,
Мақтовии зўр киши йўқми бизда ўзи?

Раис деди:

— Парпи хола, тутоқмангиз,
Бизга ҳам гал келиб қолар, гап ундамас,
Газетадан ўқийди-ку Дуланбой ҳам,
Ўз ичидан тўқимайди, ёлғон эмас!
Фарғонали Тожихонни айтасизми?
Ҳарқанчалик мақтаса ҳам арзир уни!
Қойил қилди, ҳосилини юздан бериб,
Уч юз кило пахта териб у ҳар куни.
Ҳали бизни мақтамоққа вақт эртароқ,
Тўғри, биз ҳам ба'зилардан эмасмиз кам.
Лекини бор:

Кўп гапириб, кам ишлаймиз,
Ҳамма иллат мана шунда, емаймиз ғам.
Бир ёқадан бош чиқариб ишламаймиз,
Шунинг учун кўп ишимиз ўлда-жўлда.
Ҳарбир ишни маврутида бошламаймиз,
Шу сабабдан қолмоқдамиз оро йўлда.
Дуланбойнинг гапиргани тўғри буткул,
Зўр парвариш қилолмаймиз еримизни.
Ер ҳам ҳали сезгани йўқ газет тугул,
Мундоғ яхши ишлаб оққан теримизни.

Ҳаммасини англайдию кампир, лекин,
Тан олгуси келмас ўзса ундан биров.
Танқидни ҳам унча севмас,
Ҳамма кекин —

Раисига тўкиб солар, келса, дарров.
— Товба,— деди Парпи хола яна қойиб,
Тожихонлар камми бизда, колхозда биз:

Ойимчахон, Каримполвон, Содир, Сойиб...
Камми бизда...

Инсоф блан айтинг, раис.
Бўлди энди,

Дўланбойнинг газетини —
Эшитмайман,

Эсиз вақтим сўзларига!
Терим вақти кўрсатсин у, жур'атини,
Тоқатим йуқ, мақтовлари ўзларига.
Липа уриб этагини Парпи хола,
Ишга тушиб кетди яна зарда қилиб:
Мақтамаса — мақтамасин!

(пичирлади)
— Сал кейинроқ ишимизни кўрар келиб.
Ялиниб ҳам қолар ҳали мухбирлари,
Донг чиқариш нима экан,

бо...чикора!
Ажаб эмас, Парпи хола деган кампир —
Маскопда ҳам гапирилиб қолса зора!..

ҒЎЗА ҲОСИЛГА КИРДИ

Ғўза ҳосилга кирди,
Шохларда шовул кўсак.
Демак, бурчин бажармиш
Шон-ла меҳнаткаш июль!
Август навбатга тайёр,
Зўр ғайрат блан бешак,
Сентябрь этак боғлаб
Тургандай;
деб: тезроқ бўл!
Турсуной, Парпи хола
Этак боғлаб тургандай!
Теримга чоғлаб кўрар
Пахтазор қучоғини.
Тожихон шошиб қолган
Букун йўқотиб қўйиб,
Кечагина санаган
Ғўзалар саноғини!
Ҳосилнинг бўлиқлиги
Деҳқон парваришида.
Ҳар минут ғўзаларда
Кўсак бўлиб қайнасин!

Фурсат кутиб турмайди,
Шундай қилмоқ керакки,
Ҳар пахтакор қалбини,
Вузаларга жойласин!
Совет кишиларимиз,
Ҳар ишни қилгулик халқ!
Улуғ Ватанга берган
Ва'дамиз дилимизда!
Демак, юқори ҳосил
Чўлларни бўстон қилган —
Биз совет одамларин —
Забардаст қўлимизда!

Лекин, чарчаб қолмасин
Бу йил яна Бухоро!
Нечундир ҳоври пастроқ
Кўринмоқда Андижон!?
Соврун кетди, тикланинг,
Фарғонанинг қўлида!
Республиканинг кўзи
Сизда дўстлар, бу замон!
Ахир, август пойгада,
Қўлда ҳосил калиди!
Пахта пунктларимиз
Қарвон кутар бесабр.
Йил бошидаги ёзган
Самимий мактубингиз
Халқимизнинг столи —
Устида турар ҳозир!

ЧИННИХОН

Оқшом инди далага,
Нур ювар оппоқ-оппоқ.
Ой худди беланчакда,
Бамисоли чақалоқ.

Чинни қайтди теримдан,
Юз ювиб ой нурига.
Табриклаб ўртоқлари
Чиқишди ҳузурига.

Бутун қишлоқ олқади
Чиннихонни бу оқшом.
Тилдан-тилга кўчди тез
Шу кеча бу оддий ном.

Ўтди қишлоқма-қишлоқ,
Райондан районгача.
Бутун элга ёйилди
Бу яхши ном тонггача.

На телефон ухлади,
На радио тўлқинлар,

Чиннихоннинг меҳнати
Достон бўлди шу кунлар.

Теримчилар (йигитлар)
Унинг сўроғидамиш.
Ҳатто почтачининг ҳам
Оғзи қулоғидамиш.

Қойил, — дермиш керилиб, —
Боплади хўп, бердик тан.
Биз ҳам бундоғ, ҳа кимсан,
Чиннихон қишлоғидан!

Фахрланар қишлоғи,
Ҳа, у фахрлангудай!
Унинг ғолиб чехраси
Ватанимиз тонгидай!

Ўрнак бўлди ҳаммага,
Пахта терди беқиёс!
Қирқ эди дугонаси,
Қирқига ҳам келди бас!

Энди у онабоши,
Яшнамоқда хирмонлар!
Шошиб қолди йўлларда
Қатор-қатор карвонлар!

ҚАҲРАМОН

Айтчи ўзинг, йигит, сени шу қадар
Ҳаёт тўлқинига бошлаган недур?
Сени қаҳрамонлар сафига элтиб,
Шонларга буркаган недур, баҳодир?

Ихлос деди меҳри дар'ёдай тошиб:
„Менман нур сингари сингган меҳрига!“
Ғайрат жавоб қилди қайноқ ҳис блан:
„Худди мўмиёдек сингдим зеҳнига!“

„Мендан сўргил“ деди қуёш тепадан:
„Унинг даласида қолдим уззукун!“
Сув шалола сочиб ҳайқирди менга;
„Унинг даласида оқдим мен бутун!“

Сенинг чаманингда оқшомдан булбул
Тонгга қадар хониш қилади, дейди.
Сенинг чаманингга қушлар галалаб,
Тонг-ла тамошага келади, дейди.

Кушлар дейдиларки, сенинг ерингдан, —
Ором олар эмиш учиб ўтганда.
Одам лол қолармиш тамоша қилса,
Бир „ҳикмат“ бор эмиш ғўзангда, Санда.

Сен эккан чигитдан унган ғўзанинг —
Ҳарбир кўсагини ардоқлармиш шон.
Сиз парвариш қилган ғўза ҳосилини —
Эплай олмас эмиш ҳаттоки карвон.

Еру сув, офтоб, оби-ҳавонинг
Калиди сендамиш,
сендамиш вақти.
Сенинг измингдамиш ғўза парвариши,
Ғўзанинг қисмати,
ғўзанинг бахти!

Бу йил Наманганнинг пахта усталари
Сенинг меҳнатингга берган эмиш тан.
Шунинг учун бу йил кўплар ихлос блан
Ишда андоза ҳам олипти сендан.

Мана халқ ичида сенинг та'рифинг,
Бу йилги аҳдингнинг тарозу тоши!
Ўртоқларинг сенга қўшиқ тўқипти,
Қўшиқда атапти сени ишбоши!

Наманганнинг анори,
Кимни қилмас хумори,
Деҳқон қаҳрамон бўпти,
Наманганлилар нори,
эҳ, жон,
Йигитларнинг сардори!

ШИЙПОН ТОНГИ

Яхшигул Отабоевага

Тонг ёриб келмоқда,
Оппоқ, гўзал тонг,
Елпиб-елпиб ўтади еллар,
Борлиқ яшнамоқда,

ШИЙПОН...

Кенг дала...

Ел блан ўйнашар ҳид сочиб гуллар.

Борлиқ яшнамоқда,
Яшнар колхозлар,
Кутиб олмоқдаман Ватан тонгини.

О, қандай ғұзал бу,

қандай шифобахш,

О, қандай улуғвор Совет Ватани!

Ғўзалар гуркирар, бепоён дала
Қониб симиради ҳаёт тотини.
Қизлар куйлашади, оҳ, қандай палла!
Тилдан қўймайдилар доҳий отини!

Тонг ёриб келмоқда,
уйғонмоқда эл,

Шийпон,
зумрад дала,
еру осмон.

О, қандай мусаффо,
қандай гўзал тонг,
Меҳнат қўшиғи-ла янграйди замон!

ҚАҲРАМОННИНГ БЮСТИ

Ҳали из тушмаган чўлнинг ўртасида
Қуёшда бир „эмка“ ялтиллаб қолди.
Етиб яқиндаги ясси тепаликка,
Худди камар бўлиб унга ўралди.

Шофер тормоз берди тепа бошида,
Машинадан тушди икки қадрдон:
Бири Ўзбекистон оқсоқоли эди,
Бири фарғонали таниғлик деҳқон.

Чўлда икки киши...
Тўрт тараф тақир:
Юмронқозиқ ғалвир қилган ер,
янтоқ,
Қуёш бу саҳронинг шеридек баджаҳл,
Саҳро эчкэмардек бужур ва чанқоқ.

Ота қош чимириб, мўлжаллаб кўрди:
Бунда яшил, обод қишлоқ планини:
„Мана шунда“ деди Ота, ахири,
„Очмоқ керак серсув пахта конини!

Шу ердан бошлаймиз саҳрога ҳужум,
Мирзачўлга ҳужум бошлаймиз, шундан.
Шонли партиямиз чақириғи бу,
Ленин чақириғи!“ деди фахр блан.
Бу вақт икки қўли белида, деҳқон
Қуш қараши блан боқарди чўлга.
У ҳам Ота каби ўзи режа тузиб,
Чўлни айлантирган бўларди гулга:
...Ҳув ундан ўтади канал, дерди ўйлаб,
Манав жар бўйида ГЭС қурилади.
Биз турган жойларга шаҳар тушиб, шинам,
Атроф уфққача пахта бўлади!
Хирмон босиб кетса керак саҳрони,
Эплай олмай қолар ҳосилни карвон...
Йўқ!

(Ўйлади аста)

Ота ёрдам берар...

Заб қишлоқ бўлади — кўркам, чарогон!

Катта йўл ўтади қишлоқ ўртасидан,

Айланар у колхоз хиёбонига.

Отага боқди,

ва дилига туйди,—

Уни қўямиз, деб ота номига.

Булбул ҳам келади ўтқазилса гул,

Демак, парк бўлади бу жойда ҳали.

Ҳар кун кулиб турар гуллар орасида

Ленин, Сталиннинг кўркам ҳайкали.

„Ҳўб“ деди илҳомга тўлган пахтакор,

Жиддий ва мардона,

(Отага қараб.)

Чўққи соқолини силаб, кулди Ота:

„Меҳмонга келамиз боғлар оралаб“.

Шунда пахтакорнинг кўнгли тоғдай бўлиб,
Ҳисси дар'ё каби тўлқин касб этди.
Баланд ва қудратли қомати унинг,—
Горький айтган „мағрур“ сўзни эслатди.
Ҳа,

Мағрур янграйди одам деган сўз.
Ундан қудратли

ҳеч

йўқдир дун'ёда!

Таниғлиқ деҳқоннинг иши бунга гувоҳ,
Води пайдо бўлди ўша саҳрода.
Води пайдо бўлди чаман ва обод —
Забардаст қўлларда; ўша деҳқон бош.
Одам қудратидан гурлади ҳаёт,
Қалави топилса тош қилмас бардош.
Баланд ва қудратли, мағрур ўша қомат
Ҳозир ҳам кузатиб турар водини.
Бу — унинг бюсти,

кишига ҳамон —

Ўша туришида эслатар уни!
Ҳар кун у далада тонг блан...
Бунда —

Отани кутгандай чиқиб йўл усти,—
Икки олтин юлдуз тақиб кўксига,
Қишлоқ ўртасида турар бюсти.

1953—1954



*МИРЗАЧЎЛ
КУЙЛАРИ*



КУНЛАРИМИЗ ШУНДАЙ!

(Кириш)

Шаҳар ўртасида курант занг уради,
Демак, занг уради ғалаба рамзи.
Демак, қайд этилар ҳарбир дақиқа,
Ҳарбир дақиқаки, бахтидан рози.
Кунлар қолишмайин дейди йиллардан,
Йиллар олқишлайди қаҳрамонини!
Йиллар кузатади шараф денгизида —
Тўлқин яратолган ҳарбир онини!
Қуручи йилларнинг бинокори биз,
Шерикмиз Ватаннинг ифтихориға.
Гранит тош эмас,

ундан ҳам зўрроқ
Қалб қўйдик бу юртнинг пойдевориға!
Фарҳод чароғбони нурдан гул ясаб,
Букун ҳар хонаға кирипти,
бу соз!

Фақат кундуз эмас, энди тунлари ҳам
Боғларда булбуллар қилади парвоз.
Пахтакор юқори ҳосил яратсин,
Бинокор зеб берсин бахт эҳромига!
Конларимиз тинмай олов-ошаб берсин,
Шон парвона бўлсин Ватан номиға!

Сир келиб Мирзачул қўйнига сингсин,
Мичурин шарафи шанлансин бунда.
Жаҳонга ғулғула солиб,

оппоқ-оппоқ —

Олтин толалари тойлансин бунда.
Ургут ва Олмалиқ, Ғазгон хазинасин
Бизнинг меҳнат блан шуҳрати қолсин!
Чатқол тизмалари сингари мағрур,
„Конлар силсиласи“ дея аталсин!
Ахир, бу кунларнинг соҳибларимиз,
Иқбол ва истиқбол ясаймиз бунда.
Замон ва забардаст кунлар қўшигин
Куйлашиб ўтамиз бу зўр тўлқинда.
Кунларимиз шундай!

Букун Сир бўйида

Улуғ гигант қурдик,

шаҳар қурдик соз.

Эрта Мирзачўлда гудок гуркирайди,
Гуркирайди „ҳаёт мен“ деган овоз!
Улуғ тўй бўлади.

бутун саҳрога —

Хўп ёйиб ташлайди Сирдар'ё сепин.
Буёқдан Асака,

буёқдан Водил

Кириб келишади секин ва секин...
Ҳа, бутун Фарғона кириб келади,
Фарғона иқлими,

Фарғона ҳусни.

Эсдан чиқиб кетар „Мирзачўл“, шунда,
Қўйилур „Иккинчи Фарғона“ исми!
Бир онлар бу чўлдан учиб ўтолмай
Ҳансираб йиқилган булбулларки бор,

Наманган боғидан макон ахтариб,
 Бўйини таратган сумбулларки бор,
 Ҳаммаси ошифта бўлиб келади,
 Ҳаммаси келади тараниб, шошиб.
 Шунда боғлар аро елиб сизу-биз, —
 Чарчармиз буларга чаман улашиб.
 Боғдан-боққа ўтиб юрар олимлар,
 (Мичурин бобонинг эваралари).
 Узумзор боғларда „ивирсиб“ юрар, —
 Уста Ризаматнинг неваралари.
 Оқшом гўзал парклар олар оройиш,
 „ЗИМ“лар, „Победа“лар қушдай елади.
 Қаллиғини бошлаб комсомол йигит
 Асфальтдан кинога кириб келади.
 Фақат эртак бўлиб қолади мангу
 „Мирзачўл—эл ютар“ деган ҳикоя,
 Битта сарханадан бутун қишлоққа
 Ўт улашиб юрган банги бир соя.
 Надомат тўқайлар ёниб кул бўлур,
 Олтин капалаклар тарқатади бўй.
 Яйловларга сизмай
 „бағ-буғ“ бўлиб кетар,
 Уюр-уюр йилқи,
 дар'ё-дар'ё қўй!
 Комсомол ҳужуми бошланди чўлга,
 Орзу ва истаклар хаёлдай қолмас.
 Комсомол сўзи бу—қат'ий ва порлоқ,
 Унинг номи нурдай, битмас, йўқолмас!..
 Шаҳар ўртасида курант занг уради,
 Демак, занг уради ғалаба рамзи.
 Демак, қайд этилур ҳарбир дақиқа.
 Ҳарбир дақиқаки, бахтидан рози!

ЯШНА, СЕВИМЛИ ДИЁРИМ!

(Қиз қўшиғи)

Ҳаёт кириб келди саҳрога букун,
Яйраб илдиз отди ҳар битта ниҳол.
Ёшлик колоннаси забот этди чўлни,
Қарор топди букун минг йиллик ҳаёл!

Чўлга экдим меҳрим қўшиб боримни,
Ҳусни тўлиб олди ихтиёримни,
Ҳаёт бердим биёбонга, гул берди,
Қалбим озод, куйлайман диёримни.

Биёбонга биз келдик, орзу келди,
Сирдар'ёдан тошқин-тошқин сув келди,
Фарғонанинг ҳусни келди саҳрога,
Пахта экдим, файз келди, инжу келди.

Оппоқ пахта файз тўкди саҳрога,
Топширамиз оқ олтинни а'лога,
Меҳнатимиз маромига шон йўлдош,
Йўлдош бўлдик қуёш блан дарёга.

Янги боғим, ойнавонлик уйим бор,
Баландпарвоз овозим бор, куйим бор,
Севган ёрим эшитмасин, меҳмонлар,
Кузда тўйга жазм қилган уйим бор.

ҚУРУЧИ ҚИЗ ОРЗУСИ

Кўз олдимда бу чўллар
Қўйни олтин блан зар.
Кўз ўнгимда истиқбол,
Чинга айланур хаёл,
Пахта-пахта бепоён,
Қирларда чайқалар дон;
О, учар салқин еллар,
Яйраб-яшнар кўнгиллар.
Дар'ё болқиб оқади,
Чўлга қандай ёқади!
Чўлнинг лола чеҳраси
Бирам кулиб боқади.
Қизлар сочиға чаман
Гулчамбарлар тақади.
О, учар салқин еллар,
Чўлда очилди гуллар!
Чўлга келди гулбаҳор,
Қуручи ҳам пахтакор,
Боғ-роғ режасида —
Тупроқшунос, соҳибкор,
Коммунизм боғига —
Бино қўймоқда ме'мор!
О, учар салқин еллар,
Сайрамоқда булбуллар!

Гуркирайди колхозлар,
Мирзачўл яшнаб гуллар.
Колхоз ГЭС чироқлари
Водиларда пориллар!
Мирзачўл боғларининг —
Қўшиқлари гуриллар!
Бу қанотли қўшиқлар
Москвани олқишлар!

ГУЛЛАР ВОДИСИ

(Йигит кўшиғи)

Бекобод нур сочиб боқди саҳрога,
Қишлоқлар кўтарди бирин-кетин қад.
Сирдар'ё югурди боғлар оралаб,
Самарасин берди шарафли меҳнат!

Камоли иштиёқ блан
Етиштирган диёримсан!
Бутун элу юрт олдида
Қозонган э'тиборимсан!

Кўзим олдида ўсдингу
Қўлимда парвариш топдинг,
Шунинг-чун айтаманки,—
Ифтихор-ла: ифтихоримсан!

Яшил қишлоқ яратдим,
Мангу қолдим гул хиёбонда,
Десам кўнглим чаман бўлгай, —
Бу қишлоқни: баҳоримсан!

Мени бахт нурига ғарқ этди
Меҳнат, шонли давроним!
Яша эй, Мирзачўл, доим,—
Чаманда, жон диёримсан!

БОҒБОН ҚИЗ

Ноибажон Каримовага

Марзаларни босиб ўтдим ёнингдан,
Ноибажон, жон ўргилсин жонингдан,
Бутун қишлоқ куйлар сенинг шонингдан,
Сен меҳр ила ҳаёт берган боғингдан!

Бахти кулган тошкентли қиз,
боғбон қиз,
Колхозининг фахри, марди-майдон қиз!

Хўп айландим у сўлим қишлоғингни,
Ҳосил блан безатибсан боғингни,
Боғинг каби яшна, яна камол топ,
Кўрдим гузал, айни баҳор чоғингни.

Баҳор каби бахти кулган
боғбон қиз,
Колхозининг фахри, марди-
майдон қиз!

Шон байроғи ҳилпирайди майдонда,
Заррин тонгдай товланади ҳар тонгда,
Халқинг ҳамроҳ меҳнатингда, доно қиз,
Куйламасдан қолмай сени армонда!

Комсомол қиз, ғайратли қиз,
боғбон қиз,
Колхозининг фахри, марди-майдон қиз!

Тўй

Тўйлар ҳам бошланди, ҳосил тўйлари,
Ундан йигитлар ҳам олди андоза...
Янги уй, янги боғ, янги тўй, шодлик,
Шодлик босиб кетди боғларни тоза...

Йигит

Сирдар'ёнинг бўйларида уйинг экан,
Ёндирган кўй — билсам, сенинг кўйинг экан.
Билганимда, балки кўнгил бермас эдим,
Бугун билсам, эрта-индин тўйинг экан.

Қиз

Сирдар'ёнинг бўйларида уйинг, дейсан,
Куйдирипти — билсам, сенинг кўйинг дейсан.
Уялмасдан нечун йўлим тўсдинг, йигит,
Билибсан-ку, нега яна тўйинг, дейсан?

Йигит

Койима ёр, ошиқни ҳеч койимайлар,
Сени севдим, ўтиб кетди кунлар, ойлар.
Мирзачўлга келибманки, сенга бандман,
Айтолмайман, аммо дилим сени пойлар.

Қиз

Ўтиб кетган ҳажр ўтида куйган йиллар,
Мажнун блан ҳасратлашган Мирзачўллар.

Ўзинг кимсан, қаердансан, қачон келдинг?
Биладими сени бунда комсомоллар?

Йигит

Сўра мени Сирдар'ёни тўсганлардан,
Даставвалдан бунда келиб ўсганлардан.
Қақроқ чўлни ясантирдим худди сендай,
Ишга келсак, бу йил сенга берганман тан!

Қиз

Мен кўнглимга ёмон ният туйганим йўқ,
Сизга ўхшаб ишқ ўтида куйганим йўқ.
Сизни кўпдан билар эдим очиқ айтсам,
Мирзачўлда сиздан ўзга суйганим йўқ!

Йигит

Салом, сизга, азиз дилдор, бахтим нақши,
Дил ўйнайди, қандай яхши, қандай яхши.

Йигит ва қиз

Жар солайлик бутун чаман Мирзачўлга,
Тўйга дўстлар, тўйга дўстлар, қандай яхши!

СИЗГА

(Фарҳод ГЭС қуручиларига ше'рий нутқ)

Марҳабо, голиблар!

Ҳорманг!

Бор бўлинг,

Катта шаҳар қуриб,

қуриб шаҳри—нур!

Ҳаққингиз бор сизнинг азиз,

азаматлар,

Зафар минбарида турмоққа мағрур.

Бу му'жизаларни сиз яратдингиз,

„Одамнинг қўли гул“ деганлари рост.

Энди табиатнинг ўзи сиз қилган —

Қилаётган ишга қўяди ихлос.

Бизни мафтун этган чаманлар, боғлар

Энди мафтун бўлиб келади ўзи.

Рўзини сотади рўшноликка,

Келади!

Шу ерда сан'атнинг кўзи.

Бу чўлга келади бўстонлар, боғлар,

Чўлни ёритгани нур ҳам келади.

Пахта ундурғали бу Мирзачўлда

Дамига тортгандек Сир ҳам келади.

Ҳарбир сим'ёғочга қўнади юлдуз,
Фарҳоддан чиқади эртанги қуёш.
Келажак миннатдор бўлиб сизлардан,
Қўяди муборак изингизга бош.

Солқи-солқи бўлиб тортилган йўғон —
Симлардан оқади хонангизга нур.
Умрбод сизники бу иш,
бу сан'ат,

Бу улуғ иншоат,
бу ҳусн, ғурур!
Чунки, Сиз бўласиз чўлни бўстонга,
Сувни электрга айлантиролган.
Чунки, сиз бўласиз азим дар'ёнинг—
Қалбидан қудратин тортиб ололган.

Чўлнинг бўронига бас келолган Сиз,
Ўз сўзли ўзбекнинг аслларисиз.
Сув, ҳаво, ер, кўкни ўзига тортган,
Енгган мамлакатнинг наслларисиз.

Қимирлаган эрнинг қир ошмоғи ҳақ,
Бу қир, бу саҳролар писандми бизга?!
Ватан муҳаббати,

элнинг ҳурмати,
Шоир мадҳияси муносиб сизга!

ДАЛА ШИЙПОН, ҲОВУЗ БЎЙИ,
ОСМОН ТЎЛИБ УЧГАН ҲОЗ...

Букун жуда ёниб кетди
Худди осмон кўраси,
Темирчининг босқонидай
Повиллади, чоғимда.
Чойгум каби шиғиллади
Ҳароратдан ғўзалар,
Шийпондаман, ўт-ўланлар
Ёнди сўлу-соғимда.

Лим-лим ҳовуз тубларида
Жим-жим ўйнар қатор тол.
Салқин суна, ипак гилам,
Олачадан поёндоз.
Қирдан келган қалдирғочлар
Ўтишади тўш уриб,
Соя ташлаб ўтиб қолар
Осмон тўлиб учган ғоз.

Салмон ака самовари
Қайнаб ётар жиғиллаб,
Нарироқда биқиллайди
Қирққулоқли зўр қозон.

Почтальон ташлаб ўтди
Бир варакай газета,
Чўян каби қорайтибди
Букун уни саратон.

У ўтади эгат босиб
Йигитларнинг ёнидан,
Жаз олади оёғини
Эгатларнинг кесаги.
Кун тигида ёниб-ўчиб
Кўринади кетмонлар,
Кўкрак урган ғўзаларнинг
Кўринмайди этаги...

Тўрт қиррали кўмир қалам,
Қордай қоғоз қўлимда,
Шовқин тўла кенг даланинг —
Суратини чизаман.
Кўмкўк дала,
Кўмкўк осмон,
Кўмкўк ғўза олами,
Ғўза қийғос очилмишди,
Гуллари чаман-чаман.

Хў... пайкалда йигит келар,
Елкасида кетмони,
Кўркам қомат, пахса яғрин,
Чайир мускул, қалқон тўш.
Қаддини бир ростлаб олди
Ўрталиқда бир аёл,
Ҳайдаркокил тушиб кетди,
Боғланганми экан бўш!

Бир томонда қизалоқлар,
 Ғўзаларнинг ичида,
Худди тилла капалаклар,
 Учиб қўнишар эди.
Ҳу... тепадан от устида
 Райим-раис кўринди,
Ўрдак каби алпанг-талпанг
 Пастликка тушар эди.

Чап томондан эсиб қолди
 Салқин, ғир-ғир шаббода,
Олиб ўтди қанотида
 Қовунполиз ҳидини.
Тулиб кетди бутун шийпон
 Чўгарининг ҳидига,
Салмон ака мақтаб қолди
 Райимжоннинг дидини:
„Раис оға нариги чекка —
 Талай қовун экдирган,
Қаранг, бутун пахтазорга
 Ҳиди анқиб ётади.
Бизнинг ёғлар ана шундай,
 Колхозчиси кузакда —
Меҳнатининг ҳосилига —
 Ғарқ бўлади-ботади...”

Девор соат занжирини
 Бир қулочлаб тортиди-да,
Шошиб бориб зангни урди,
 Янграб кетди кенг води.
Ерга тегай-тегай деган
 Ўрикдаги бу зангдан —

Бутун меҳнат водисига
Бир ажиб овоз ёғди.


Узум келди челак-челак,
Саватларда иссиқ нон.
Кўвачада айрон тўла,
Кўзаларда яхна чой.
Юмалади шакарпалак,
Анаслар ҳовузга,
Деҳқонларни кўтар эди
Шинам супа, салқин жой.

ҒАНИШЕРНИНГ ШУҲРАТИ

Мирзачўлнинг оч багрига
Югурганда Сирдар'ё,
Ўйлаганми эди шундай
Чаманлар яратишин?
Бу минг йиллик чанқоқ-ташна
Қақраб ётган саҳрода —
Ўйлаганми эди унинг
Поёнига етишин?
Қимирласа қир ошаркан,
Тўлқинланса — тоғу тош!
Мана букун бўстон бўлмиш
Жазирама биёбон.
Демак, ерда сув мавж уриб,
Нур сочса кўкдан қуёш,
Шонли меҳнат яратаркан
Янги-янги хиёбон.
Ғанишернинг кетмонига
Қўмаклашди сув, қуёш,
Унинг ҳарби ҳам зарбига
Ҳайрон эди ер-осмон.
Йўлдошлари чумолидай
Тинчимайин қўшди бош,
Баҳору ёз, тўкин куз ҳам

Ўрмалади корвон.
Тенг келолмас меҳнатига
Дар'ёларнинг мавжи ҳам,
Қора қишнинг изғирини,
Баҳор ва куз жаласи.
Бас келолмас сур'атига
Бўронларнинг авжи ҳам,
Мирзачўлнинг шамоли ҳам,
Қуюнларнинг галаси.
Ҳаммасини енгиб ўтар,
Енгиб ўтди неча бор,
Ўзаларнинг парвариши
Баракали қўлида.
Оппоқ олтин блан тўлди
Мирзачўл ҳам беғубор,
Табиатнинг ўжарлиги
Бош эгмишди йўлида.
Бежиз эмас „шер“ лақаби,
Мирзачўлнинг шеридир,
Донги ҳар тил, ҳар қаламда,
Ҳар чолғуда дoston.
Пахтадаги шабнам эмас,
Ғанишернинг теридур,
Бу йил унинг мартабаси баланд!
Ҳаммага аён!

1950—1953



1953
йил
5 март



4 т. Тула

Телеграф
охрип
от траурного гуда.

В. Маяковский

ИЛК ТОНГ...

Бўзлаб ўтди ногоҳ ғамли тўлқинлар,
Юраклар ўртанди ҳасрат ўтидан.
Наҳот парчаланиб кетмади симлар
Шу қадар оғир бу ғамнинг юкидан?!

Ўзни босолмадим, тугаб бардошим,
Ўтли ёшлар кўрдим ҳар бир қабоғда.
Қилич келганда ҳам эгилмас бошим —
Эгилди байроқлар сингари, доғда.

Қизил байроқларда қора ҳошия
Яна ортдирарди дилда ғамларни.
Қайси юрак бардош берипти дея —
Ўйлайсан, тикишда бу аламларни?

Байроқлар...

байроқлар

тўлқундай

тошар

Ленин байроқлари унинг бошида.
Узоқ-узоқларда халқлар видо'лашар
Худди турган каби устоз қошида!

Кимнинг ёдидамас Ленин вафоти,
Ўша оғир кунлар, халқлар қасами!
Партия қасами! Партия саботи,
Сталин қасами, улуғ халқ ғами!

Ўша кунларда ҳам партия қўллади,
Унинг сафдошлари, темир гвардия!
Халқни Ленин йўли билан йўллади
„Алоҳида таҳлитдаги партия!“

Шундай!

Яна оғир кун тушди бошга,
Яна сафдошлари тутди қўллардан!
Партияга боқдик—боққандек қуёшга,
Чароқлаб ёриди бағримиз бирдан!

Шундай

қудратлики, улуғ оила,
Уни енгаолмас жудолик куни!
Чунки, бир умрга бирга бўлсин, дея,
Ўз қалбига дафн этди халқ уни!

МОНУМЕНТ

Тошкент мотам либосида,
(Сукунатда пойтахт)...
Радиода халқнинг эрки, қулоғи ва сийнаси!
Радиодан қуюлади мотам куйлари фақат,
(Глинка ва Чайковский,
Шопен симфонияси...)

Буюк юрак тўхтаб қолди...
Тўхтаб қолди ногаҳон.
Миллионларнинг қайғусига...
Қайғусига йўқ поён.

Юракларни ғижимлади
Оғир алам чангали.
Ғижимлади...
Кўзёш бўлиб—
Оқди юрак дардлари.
Сукунатда тонг отади,
Тонг отади беқуёш,
Сталинсиз биринчи тонг,
(оғир туюш бу ғамни!)

Йўқ,

ана у, тирик, юксак,

мағрур, адл тутиб бош,

Тонгдек ёрқин табассуми ёритмоқда

оламни!!!

Шундай гўзал

ғояси ҳам

бамисоли тонги нур!

Тонг отади!

Аммо, тонгнинг йўқдир ботиш одати!

У яшайди Ленин каби халқ дилида

бир умр,

Яшнагандек мангуликка халқимиз саодати!

ТОНГ...

Аста-секин тонг оқариб келади,
Кўча жимжит,
соқчиликда байроқлар.
Шу вақт бир қиз кўча бўйлаб елади,
Кўзида ёш, доҳисини сўроғлар!..
Қучогида бир даста гул,
гүё у,—
Мотам тутган байроқлардан сўрайди...
Муштдаккина юрагида зўр қайғу,
Ёшдек кўпчик чироқлардан сўрайди.

Суроғлайди,
Ҳечким келмас рўбарў,
Доҳий турган хиёбонда кўзлари.
Хиёбонга аста босиб келдию
Лабларида қотиб қолди сўзлари!..
Қотиб қолди ёшлари ҳам юзида!
Кутиб олди уни жонли табассум!
Байрам...
Минбар порлаб кетди кўзида,
Ҳайрон-ҳайрон туриб қолди у бир зум!..

Броқ, бу зум—бир зумгина бўлолди...
Ёшлар яна яноқларга қуюлди.
Шу вақт унинг хаёлида кенг олам
Ҳаракатдан тўхтагандек туюлди!.

Туюлдию...
Яна боқди қиз унга,
Тетикланди,
Босиб борди илгари!
Зиналардан кўтарилди,
Ва шунда
Титраганин сезди жажжи қўлларин...
Жажжи қўллар гулин қўйди авайлаб,
Қўйди уни худди жону-танидан.
Юпқагина лаблар барг каби титраб,
Шивирлади:
— Тошкент болаларидан!
Ва бош эгди...

Салют берди сўнгидан,
Салют берди гўё бутун коинот.
Бамисоли пионерлар номидан
Содиқликка қилар эди қасам'ёд!
Кўтарилган жажжи қўллар бошида,
Қора бантик сочларида аламли.
Тонг ёйилди,
энди доҳий қошида
Бутун шаҳар чайқаларди, кўп ғамли!

РЕВОЛЮЦИЯ МАЙДОНИ

У гўёки гул экиб кетди,
Монументни қоплади гуллар...
Мотам, алам ва ғам забт этди
Халқлар тоқатини шу кунлар.

Гул келтирар унга одамлар,
Ёдгор деб садоқатидан.
Бу аламлар, бу ғамли дамлар
Сўйлар халқнинг муҳаббатидан.

Беш кечаю-беш кундуз халқлар
Узилмади унинг ёнидан.
Соқчиликда турди байроқлар,
Революция майдонида.
Беш кечаю-беш кундуз бутун
Видо'лашди уни деганлар.
Унинг меҳри блан бус-бутун
Бу дун'ёга қайта келганлар.

Саф ичидан олға жилди чол
Ва бир кампир...
Етаклашиб жим.

Қўлларида кичик бир сопол —
Тувакда гул...
гулларки, ма'сум...

Қўмқўк,
лекин,
чиндан ҳам ма'сум,
Кампир лабларидек титрарди,
Чолдек қилиб гўёки та'зим
Эгилганди ямяшил барги.

Битта-битта юриб чол, кампир
Пьедсталга бордилар аста.
Кампир титраб аламдан дир-дир,
Гулни қўйди ерга оҳиста...

Ва жим қолди бош эгиб бирпас,
Шивирлади,
киприклари нам:
— Бу гул, — деди, — мотамингамас,
Байрамингга эди, жонгинам...

(Ёзолмайман азиз ўқучим,
Буни туюш нақадар оғир.
Ўз-ўзимга етмади кучим,
Кўрганимда йиғладим... уэр...)
Чол тиз чўкди,

она ҳам чўкди,
Ҳурматига келтириб одоб,
У, ёш тўкди,
Чол ҳам ёш тўкди,
Юраклари юлиниб йиғлаб.

БЕШ МИНУТ

Курант ўн икки бор занг урди бирдан.
Ғамли юракларни титратди занги.
Уни олиб кетди тўлқинларида
Моцарт реквиёмин дардли оҳанги.

Моцарт реквиёми, Шопен куйлари
Юрак дардларига бўлди таржимон.
Бўрондек янграган мотам салютлари
Ватан қудратини этдилар баён!

Тинди тўлқинланиб курант овози,
Доҳий кириб келди халқ майдонига.
Келди у,
Ўзининг улуғ устози —
Владимир Ильич Ленин ёнига.

Курант ўн икки бор занг уриб тинди,
Аста Мавзолейга қўйилди устод.
Ўн иккинчи зарбда гўё силкинди
Ва бирдан тўхтади шунда коинот,

Беш минут тўхтади мотамда одам,
Доҳий ҳурматига қуйи солиб бош.
Беш минут тўхтади Ватан ва олам,
Йўлидан тўхтади беш минут қуёш.

Худди шундай бўлди назлимда ногоҳ,
Ҳатто шамол тўхтаб қолди чоғимда.
Денгиз шовқинлари тинди баногоҳ,
Тинди ирмоқлар ҳам гўёки шунда.

Беш минут тўхтади кекса, мазлум шарқ,
(Дарди-ҳасратидан бурқсиган фиғон!)
Инглиз қамчиси остида карахт,—
Лохур рикшаси ҳам тўхтади бу он.

Беш минут тўхтади, порлоқ истиқбол —
Жангчиси кореец жанговар сафда!
Беш минут тиз чўкди, қўлида қурол,
Вьетнам солдати ҳам қонли окопда.

Бош эгди докерлар, ишчилар бирга,
Дунайдан ҳаттоки Миссурига қадар.
Коммунизм байроғи остида турган —
Жанговар „Зарбдор Бригадалар!“

Беш минут тўхтади мотамда олам,
Кўкариб кетдилар лаблар аламдан!
Ҳатто буржуазия дастгоҳлари ҳам
Беш минут тўхтади бу оғир ғамдан!

Беш минут!..

Бу — мотам ғурбати,

аммо,

Ларзага келтирди аллакимларни!

Бу қудрат гангитиб қўйди мутлақо

Уолл-стритли лорд, банкирларни!

Демак,

бу қудратлар бир қўзғалса бас,

Капитал дун'ёсин тўхтатар бешак.

Лекин у,

беш минут,

беш кунга эмас,

Абадий тўхтатаолади демак!

1953



СИЗГА



ВОЛОКОЛАМСК ТОШ ЙЎЛИ

Панфиловчилар шарафига

Кўз очиб деди у жон берар экан:
„Дўстлар, Москва-ку орқада турган!
Келинг, Москва-чун бўлайлик фидо
Ёру-дўстларимиз берган каби жон!“
Биз ҳам қасам ичдик бўлишга қурбон
Ва уни бажардик бешак-бегумон
Бородино жангида а'ло...
(М. Ю. Лермонтов)

Қаҳратон қиш...

Гувуллайди изғирин,
Қорасовуқ ялаб ўтар баданни,
Москванинг ёқасида бетиним
Фашист кезар.
Булут босган Ватанни!
Фашист кезар,
Босиб келар қора тун,
Шошилади Москвага етгали,
Россиянинг энг муқаддас ва эркин —
Пойтахтини — қалбини забт этгали.

Бўри тиши такиллайти совуқда,
Рус найзаси қаршисида яланғоч.
Югуради баттол яланг-ёвуқда,
Қар томонга чангал урар ёвуз, оч.

Ўвга қарши рус йигити турибди,
Қовоғидан қор ёғади, баҳайбат.
Орқасида бесаноқ халқ юрибди,
Москвага тоғдек қўйган муҳаббат.

Улар жангга, эрким бор, деб Ватанда,
Москвани сақламоққа келганлар.
Бунда келган, қолмайин, деб армонда
Бахтларини шу шаҳарда билганлар.

Аммо фашист қайтмай ёвуз йўлидан
Қондош халқлар деворига урилди.
Қирғин-даҳшат қуроли бор қўлида,
Пойтахтга қони блан сурилди.

Буйруқ берди Кремльдан қўмондон,
Панфиловнинг жангчилари кирсин, деб.
Босқинчига Россияда йўқ омон,
Битта қўймай сўнгигача қирсин, деб.

Уруш бўлди, бўронлар ҳам қолди танг,
Гвардия савалади беомон.
Қирғин бўлди йўл устида,
улуғ жанг—
Фашистларнинг ҳолин этди кўп ёмон.

Дивизия маррасидан кетмади,
Чекинмади,
шундай эди қасам'ёд.
Бирон жангчи виждонини ютмади,
Шундай эди Москвага э'тиқод.

Жанг майдони тўлиб кетди ўликка,
Сузиб юрар жанг ўтининг тутуни,
Гвардия душманни минг бўлакка—
Бўлиб, тамом учирворди қутини.
Жимжит...

Жимжит...

Бир лаҳзага тинди жанг.
Даҳшатли тун қуйилади, чўкади,
Худди уруш даҳшатидан тун гаранг,
Одам гаранг...

Совуқ чимдиб ўтади.

Жимжит...

Жимжит...

Жимжит туннинг қўйнида
Бир кўланка кўтарилди окопдан.
Ва жимгина Москвага тикилди,
Бундай суқли боқмаганди у кўпдан.

Шундай суқли қарадики, ниҳоят—
Бир сесканди,

нафас олди кўп чуқур.
Кўз олдида ўша Она—пойтахт,
Хаёл учди,

қанотланди кўп учқур:
Улкан шаҳар...

Не кунларни кўрмади...
Мана, тагин уруш,

уруш олови,
Ўқтин-ўқтин гумбурлайди замбарак,
Ҳилпирайди ботирликнинг ялови.
Кўп азамат

ва кўп улуғ рус қалби!..

Нақадар зўр қудрати бор бу халқнинг...
Жаҳаннамий азобларда бўлса ҳам
Ҳайиқмайди;

Шундай унинг қалби кенг;
Ёв танг эди Куликовнинг зарбидан,
Можайский ўрмонлари ёнарди.
Босар эди немис поляк ортидан,
Мамай Масков ёнбошида тунарди.

Аммо, қурол блан келган душманнинг
Қурол блан парчаланди қисмати.
Ана шундай, руснинг қалби,

ғурури,
Ана шундай улуғ руснинг қудрати!

Ҳали-ҳали Москванинг кўкида
Янграб турар Донскойнинг на'раси.
Ҳали-ҳали топилар Чуд кўлида
Александр кесган ёвнинг калласи.

Минин блан Пожарский барҳаёт,
Альп тоғида Суворовнинг изи бор.
Можайский тош йўлида сақланар
Кутузовнинг уйи мангу ёдгор.

Кирганмисиз Москвага ғарбдан?
Бўлганмисиз Можайский йўлида?
Кўрганмисиз, қарағайдан ясалган—
Бир қабатли уйни, йўлнинг сўлида?

Асрларнинг ҳақиқати бор унда,
Рус қалбининг матонати, шиддати.
Дейдиларки: „Россиянинг фахри у,
Лашкарбоши Кутузовнинг бекати!“

Жимжит...

Жимжит...

Жимжит туннинг қўйнида,
Тўп ёнида турар эди бир солдат...
Ниқоб кийган Москвага боқарди,
Бундай суқли боқмаганди у ҳечвақт...
Шундай суқли қарадики,
даф'атан—

Бир сесканди,
нафас олди кўп чуқур.
Кўз олдида ўша она-пойтахт.
Хаёл учди,
қанотланди кўп учқур...

Тонг отади—ўн олтинчи ноябрь,
Гвардия уз постида барқарор.
Ватан блан муҳаббат бир,
маслак бир:
Москвани сақлаш!
Фақат шу қарор!

Москвага югуради паровоз,
Шошилади ерда, сувда, барча тенг,
Ҳамманинг ҳам юрагида битта сўз:
„Москваниз таҳликада,
қўзғалинг!“

Худди шундай...
Гвардия постида
Қасам ичар,
қурум босган юзлари.
Бир оҳангда—Москвининг остида
Такрорланар қасос тўла сўзлари:

„Чекинмоққа бир қадам ҳам тупроқ йўқ,
Орқамизда Москва бор, Ватан бор!
Жанг қиламиз қолгунича битта ўқ,
Она-Ватан мангу бўлсин барқарор!“

Гвардия шундай этар қасам'ёд,
Қирғиз, қозоқ, рус, украин йигити.
Сўнгги марта кўришдилар хуррам, шод
Панфиловнинг иккам ўттиз бургути.
Гвардия сўнгги жангни бошлади
Қўшиқ блан,

даҳшат блан,

қон блан.

Ўзларини танк остига ташлади,
Москвани сақладилар жон блан!
Тўхтаб қолди гитлерчилар қўшини,
Ёниб кетди гвардия ўтида!
Пайдо бўлди яна худди шу куни
Гвардия, гвардия кетида!

Взвод жангда ҳалок бўлди,

аммо у—

Сақлаб қолди Москвани офатдан.
Москва тинч!

Яшар Москва мангу,
Ёвуз қадам тозаланди сарҳаддан!...

Гувуллаган денгиз эмас, Москва!
Маш'ал эмас, у—Кремль чироғи.
Шафақ эмас яллиғланиб кўринган,
Кремльнинг ғолиб қизил байроғи!

Оловли йил,
Сенинг блан баббаробар туғилдим,
Революциянинг зўр маш'али,
Шонли туғи остида.
Руҳинг блан йўргакландим,
Меҳринг блан йўғрилдим,
Азминг блан камол топдим
Бахт қўшиғи остида.
Палапондай қанотландим,
Гуркиратиб учирдинг,
Олиб ўтдинг матонатнинг
Ҳархил имтиҳонидан.
Доим фикру хаёлимда
Ва қонимда жўш урдинг,
Хўб тўйдирдик сен блан биз
Машаққатни жонидан.
Ма'руфатнинг ақл ҳосил
Боғларида кўп кездим,
Қанча илм довллари
Қолиб кетди изимда,

Сенинг блан бирга ўтдим,
Истиқболга тик боқдим,
Қатрадаги офтобнинг—
Ярқираши кўзимда.
„Юксал!“ деган диплом берди
Ҳаёт дорилфунуни,
Юксакларга олиб ўтди
Ленинизм ғояси!
Олиб ўтди мардонавор
Қайноқ ҳаёт тўлқини,
Бешйилликлар иморатин
Пулат пиллапояси.
Шонли Ўрин Боқиевнинг
Орқасидан юғурдим,
Ҳеч қайтмадим, уйғоқ, ҳаёт,
Жушқин дар'ё сингари!
Пахта тердим, кон кавладим,
Ипак танда йигирдим,
Еру кўкда, сувда учдим
Фақат-фақат илгари.
Корчагиндек чиниқтирди,
Пулат каби тоблади
Нурдай сахий,
Кундай иссиқ,
Осмондай кенг қучоғинг.
Оҳангарон, Фарғонани
Шон-шавкатга қоплади
Гуркираган электрон,
Бўрсиллаган тупроғинг.
Домналарда довруқ солдим,
Дастғоҳларда дoston,
Қайноқ меҳнат,

Қувноқ ҳаёт
Корхонаси экансан.
Яхшигул қиз қирга ёзди
Не'мат тўла дастурхон,
Замирадай пахтакор қиз
Бу йил унга берди тан.
Шу қўлларда камол топган
Ҳатто ниҳол ғунчаси
Кўп чиройли ҳусн бўлди
Ўзбекнинг қишлоғида.
Бекободда бун'ёд бўлган
Комсомол шаҳарчаси—
Ҳар кун минг хил товланади
Фарҳод ГЭС чироғида.
Пойдеворлар тишлаб ётган
Ҳарбир ғишзда ҳикоянг,
Сенинг қиссанг Полвонтошнинг
Вулқони ҳам, қони ҳам.
Сенинг қиссанг Москванинг
Остидаги улуғ жанг,
Краснодон ёшларининг
Виждони ҳам, қони ҳам!
Сенинг номинг шони блан
Тўлиб кетди нақадар
Коммунизм тарихининг
Олтин саҳифалари.
Шонлар бўлсин яна сенга,
Йўлинг бўлсин бехатар,
Юксал, юксал коммунанинг—
Юксаклиги сингари!
Букуң, мана гуркирайди
Йигитликнинг баҳори,

Жуда мағрур жаранглайди
Шарафларга чўмган ном.
Эй менинг зўр, тетик қалбим,
Қоялардан юқори, —
Комсомолим, азиз дўстим,
Чин қалбимдан ассалом!

1949

ҚАЙНАРБУЛОҚ, АСКАР ЙИГИТ СОҲИБЖАМОЛ БЕНОМ ҚИЗ

Аскарликдан келмоқдаман,
Остимда тўриқ отим.
Отим чарчоқ, отим чаман,
Учмоққа йўқ қанотим.

Боғ кўчадан ўтмоқдаман,
Икки ёғим яшил боғ.
Кўз олдимда чаман-чаман
Яшнаб ётипти қишлоқ.

Кун найзада, хомуш боқар
Хаёлпараст мажнунтол.
Гулдур-гулдур анҳор оқар,
Шоҳсупа, ғир-ғир шамол.

Азиз қишлоқ соғинтирган,
Юрагим ўртанади.
Уни десам, уринган тан —
Жоним роҳатланади.

Шодлигимдан, тушиб гоҳи
Етаклайман отимни.

Салом, азиз кенг даргоҳи
Меҳр-муҳаббатимнинг!

Мана қишлоқ, мана тошлоқ,
Қайнарбулоқ, кекса тол.
Тол тагида турар қувноқ—
Бир мунис соҳибжамол.

Қараб турар оғиб эси,
Қани энди кўз олса,
Бир қўлида ёғлоғиси,
Бир қўлида кўзаси.

Салом бердим, ерға боқиб —
„Салом!“ деди оҳиста.
Нафис қошлар қанот қоқиб
Сувга тушди бирпасда.

Сув сўрадим отдан тушиб,
Чўкдим сув қирғоғига.
„Хуб“ деди-ю, қушдай учиб
Кириб кетди боғига.

Қараб қолдим бир хил бўлиб
Орқасидан мен танҳо.
Бир нафасда яна кулиб
Пайдо бўлди у барно.

Ёнгинамда тўхтади жим,
Бир бош узум қўлида.
Узум эмас, балки қалбим,
Ҳатто ўзим қўлида.

„Олинг“ — деди „йўловчига —
Сувдан кўра бу ма'қул“.
„Раҳмат“ — дедим „сийловчига!“
„Яшанг“ — дедим „минг-минг йил!“

Ортиқ бир сўз деёлмадим
Андишалик бу ишдан.
Лекин отда уялмадим,
„Хайр, жоним“ дейишдан.

Ранжимади, қараб қолди
Сув бўйида у ёлғиз.
Қараб қолди, қараб қолди
Соҳибжамол, беном қиз.

Койимади, чунки менинг
Қалбим қолди қўлида.
Мен ҳам мангу содиқ унинг
Муҳаббати йўлида...

1949

Калавланиб йиқилди мағрур,
Азиз тупроқ узра қўйди бош.
Сўнди ҳассос кўзидаги нур,
Кипригида икки қатра ёш.

Босиб тушди энг улуғ танни,
Чангалида муқаддас тупроқ.
Бермас бўлиб она-Ватанни
Қучоқлади яна маҳкамроқ.

Яраланган Ватан томирига
Қўйди иссиқ юрак қонини.
Шу муқаддас ер замирига
Қони блан ёзди шонини.

1945

Робихола атрофини ўраб олди боллари,
 Чуғуллашар, ғувуллашар бамисоли болари,
 — Комил!

— Жамил!

— Ҳа, ҳалиги,

қайсинг эдинг, жон болам?

Болалари гуруллашиб кулворишди бу гал ҳам.

Робихола адашарди номларини билмасдан,

Ҳатто қанчалигини ҳам унутарди у ба'зан...

Бир, икки, уч,

тўрт, беш, олти...

(Ахир бўлмай, санади),

Ҳаммаси ҳам ўз ҳолига яхши,

ахир, она-де!

Ҳаммаси ҳам жўжалардек дўмбоқ-дўмбоқ нораства,

Бўйсирадек пасти-баланд, бир-бирига пайваства.

Ўлтиришди супачага худди қатор қалдирғоч,

Робихола яна бир бор санаб чиқди ирғаб бош:

Бир, икки, уч,

тўрт, беш, олти,

етти, саккиз,

тўққиз, ўн!

Кулиб қўйди Робихола (бут экан деб) кўп
мамнун.

„Акангиздан мактуб!“ деди,
меҳр тўла кўзлари,

Соғинч тўла юраклари, умид тўла сўзлари:

„Меҳрибоним, ойижоним!..“

титраб кетди лаблари!

Шодлигидан ёш қўйилар хатни ўқиган сари:

— Укаларим! — депти ўғлим,

депти: — жуда соғиндим!

Соғинипти болагинам — Миколажон!..

(Тагин жим...)

Робихола хат ўқийди, хат ўқийди беҳад шод,

Зухра тинглар ҳаяжонда,

хурсанд тинглайди Озод!

Жамил кўзи бир нуқтада,

Омон олча тагида,

Инош Ҳаёт тиззасида,

не бордир юрагида?

Ҳаммаси ҳам тинглар тўлиб Миколанинг хатини,

Ҳис қилади акасининг қизгин муҳаббатини!

Ўнбир эди улар уйда.

Ўн йил бўлди шунга ҳам, —

(Миколанинг кетганига),

ҳали-ҳали кимдир кам!

Ўз онаси, ўз уйидек ўсди-унди бунда у,

Отасининг йўқлиги ҳам билинмади, беқайғу,

Болам, деди Робихола уни, ювиб-таради,

Она бўлиб боқди унга, қуёш бўлиб қаради!

Топиб келди асл Она фарзандини бир замон,

Икки Она ўртасида гангиб қолди бўз ўғлон:

Хат йўлладик тўйда кўрмоқ умиди-ла биз сизни!
Ҳаммангизни кўрсак деймиз боғимизда, онажон!
Кўзларимиз йўлингизда,

йўлингизда,

меҳрибон!

Қувнар эди болаларнинг,

Робихоланинг кўзи,

Қўл қўйипти Украина,

асл Она ва ўзи!

Зуҳра хурсанд: каштасини кеча битирганидан,

Ҳаёт хурсанд: яхши сурат чизиб қотирганидан.

Омон дейди: модел тайёр,

тоғлардан учиб ўтар,

Дам олмайин етиб борар Украинага қадар!

Робихола санаб чиқди совғаларни,

бу гал жўн:

Бир, икки, уч,

тўрт, беш, олти,

етти, саккиз,

тўққиз, ўн...

СИЗНИ ТАБРИКЛАМАЙ БЎЛУРМИ, ҚИЗЛАР!

Тошкентдаги 13-нчи қизлар ўрта мактабини тамомлаб чиқувчиларга бағишлайман.

Сизни табрикламай бўлурми, қизлар,
Бу кун ўнинчини тугатдингиз, соз!
Эрта, камолотга етган қанот блан
Бутун Ватан бўйлаб қилурсиз парвоз!

Нақадар гузалдир, мактаб қучоғидан —
Юксакка ўрласа қизлар парвози!
Сизга одоб берган, илму фан берган —
Мактаб байрам қилар, бахтидан рози!

Қандай табрикламай бўлур сизларни,
Ҳаётингиз гузал ше'р ила дoston.
Бирингиз Нодира, шоира-доно,
Бирингиз чаманда гули напармон.

Ҳозир билолмайман, кимни табрик қилдим,
Балки, истиқболи буюк олимни!
Балки, Архимедни табриkläдим ҳозир,
Балки, Толстойни?
Билмадим, кимни?

Балки ше'р ўқидим янги Ҳалимага,
Янги Зебинисо мадҳига шу вақт.
Буюк кишиларнинг орасида ҳозир —
Ше'римни ўқидим балки...
Қандай бахт!

Не ажаб, Хатима коммунизмнинг —
Улуғ даргоҳига кирса донг ёйиб.
Не ажаб, Ма'фура нутқини олам —
Хайратда тингласа,
Бу ҳам ажойиб!

Мен ўша онларни кўрмоқ истайман,
Булбул ошиққандек гул очилгунча.
Истайманки, бу ше'р эндиги сизнинг —
Достонингизга бўлса дебоча!

Энди не қилсангиз, қудрат қалбингизда,
Қўлингизда эса, фаннинг меҳвари!
Оқ йўл,
Коммунизм қуручилари!
Сизга бўлсин ше'рим — илҳомим бари!

Айтинг энди қизлар, сизни табрик қилмай —
Бўлур эканми ҳеч, айтинг ўзингиз?
Шуни яхши билинг;
Ўчмас номингиз,
Ўчмас бу боғларда босган изингиз!

А Т Л А С

Қуёш чиқди,
Ва шу нафас,
Нур ёйилди, бир қаранг!
Югургилаб чиқди Атлас,
Банतिकлари лоларанг.

Боқди ҳарён шошиб-пишиб,
Тўймас қараган сари.
Бирданига жимирлашиб,
Тиниб кетди кўзлари.

Шундай ёруғ эди осмон,
Шундай қизиқ,
Шундай дам!
Тушунмайди Атлас, ҳайрон,
Осмон худди бир байрам!

Тўда-тўда оқ булутлар
Қаёққадир кўчади.
Аллақандай ҳархил қушлар
Арғумчоқда учади.

— Осмон бугун мунча баланд!
Мунча кумкук?
Мунча кенг?
Ўйлади у: осмон блан
Дядя Стёпа келар тенг!..

Баҳор, баҳор,
Ҳар'ён баҳор...
Атлас тўймай боқади,
Бу йил, ахир, биринчи бор
Атлас лола тақади.

Лола қизил,
Лента қизил,
Боқчасида байроқ ҳам.
Қандай яхши баҳор ва гул,
Кумкук осмон,
Май байрам!

Келиб қолди ўртоқлари
Люба блан Якула.
Кетишдилар боқча сари
Бирга айтиб ашула...

Кетишдилар қувалашиб,
Ўйнашиб, кула-кула.
Шодликлари сиғмай, тошиб,
Люба, Атлас, Якула...

НАВОИЙ

(Анатолий Имерманисдан)

Қуёш михлангандай шаҳар тепасида,
Ҳоври ёндирадиган Ҳиротни беҳад,
Шундай жазирада қуйиб беадад,
Серҳашам шаҳарнинг чанг қўчасидан,
Серқубба бинолар остида гурлаб,—
Халқ оқар шаҳаншоҳ саройи томон.

Тўлқин бозор босиб ўтарди, шошиб!
Анвойи гиламлар осиглик дорлар,
Офтобда сочилиб ётган анорлар —
Оралаб ўтарди сел каби тошиб,
Қўрилиб қоларди гоҳ арабий —
Тулпори от минган беклар ҳам бу он.

Не бўлди, сафардан қайтдимиз султон?
Ё бирон муҳимроқ ҳодиса борми?
Не боис? Яна қон, яна хун, дорми?
Йўқ! Бу халқ довулин қўзғатган уммон,—
Хушхабар бермоқда: Улуғ Навоий
Саройдан биз томон чиқмоқда омон!

Сурон тинмас эди бир дақиқа ҳам,
Сув ташир иссиқда сарпойчанг мешкоп.

Туйқусдан сукунат ёғилди шу топ,
Ғиштин стунлар-ла кўкка юксалган —
Саройдан кўринди улуғ Алишер,
Лекин, шод эмасди у улуғ инсон.

Боқмади султоннинг арзу-додига,
Сарой „ўгитлари“ ботмади унга,
Сарой тонги гўё отмади унга.
Қўлини узатди ўз Фарҳодига,
Халқига узатди қўлини, ҳам тез —
Ижодга ўтирди тўниб шу замон.

Сўлиб бораётган гуллар топди жон!
Ваҳший қояларни бузиб емирган,
Дар'ёни жиловлаб, саҳрога бурган —
Фарҳод қиссасини, хаёлда, маржон —
Тергандек ипакка, терди назмга!
Алишер... Алишер... шоир — меҳрибон!

Халқнинг орасига кирар Алишер,
Орзулар самодек кенг ва юксак, ҳақ!
Менинг фикрларим, дейди, муҳаққақ!
Одамлар узатиб қўлларини, дер:
Эй, устоз, умидинг, гўзал ишларинг —
Бор бўлсин ўзингдек тўғри, бенуқсон!

Янграрди кенг само халқ олқишидан,
Борлиқ қалби блан ўйларди шоир:
— Инсон иқболини тўсар қандай сир?
Буни на подшо, на хон, на ҳоқон —
Билади... Бу сирни фақат билар халқ
Ва Фарҳод сингари баҳодир ўғлон!

КАВКАЗ

(М. Ю. Лермонтовдан)

Умрим тонги эди, тақдир беомон,
О жануб тоғлари, айирди сиздан...
Бир кўрган кишининг хотирасидан —
Ўчмайсиз Ватаним қўшиғисимон,
Кавказни севаман.

Онамдан айрилдим ёшлигимдаёқ,
Аммо, оқшомлари у водий зотан
Хотиримга солар уни. Ва шундан
Севаман у тоғлар чўққисин ҳар чоқ,
Кавказни севаман.

Сиз-ла бахтли эдим тоғ даралари,
Беш йилдир, соғиниб эслайман ҳамон.
Қопқора илоҳий кўзлар кўрганман,
Хотирлаб толпинар қалбим сиз сари,
Кавказни севаман.

ШЕ'Р ЁЗГАНДА

Ше'р ёзганингда, мисра'ларинг сенинг
Амудай мавж урса,

уфурса,

тошса;

Марғилон ипаги сингари товланиб,

Ҳалима авжидай боғлардан ошса!

Ше'р ёзганингда мисра'ларинг сенинг

Қанот қоқиб юрса тепангда,

қани!

Ундан анқиб турса Самарқанд боги,

Фарғона гулшани — гуллар ватани!

Тебратиб-тебратиб янграса,

гўё —

Тамбурдай тарангу,

рубоб каби соз.

Ўқучи қалбингни шундай кўриб турса,

Қуш каби қилмоқчи бўлганин парвоз.

Ҳа, худди қуш каби парвоз этсаю,

Боғларга бошласа сеҳр ила шунда.

Ғолиблар юртига...

Ҳам қайноқ ҳисга —

Кўмиб ташлайолса ҳатто бир зумда...

Ҳа, шундай,
истардим: ше'рим қалбларни
Булбуллар сингари этолса мафтун.
Хаёлини олиб,
меҳрини чулғаб,
Завққа тўлдиролса борлиқни бутун.
Ше'римдан кўролса улуғ юртимнинг —
Бахту истиқболин азиз ўқучим.
Шунисини кўрсам,
худди болалардай —
Қанот ёзар эди шунда севинчим!

МУНДАРИЖА

Халқлар дўстлиги ҳақида кантата	3
Ленин ҳақида икки қўшиқ	5

Жавоб

Имзо чекдим	9
Ит ҳуради, карвон ўтади	12
Аму	17
Икки булбул	23
Макдональдга жавоб	28
Курант занг уради	34
Она	44
Мазлум шарқли дўсгимга	46

Сафарбар сатрлар

Деновда баҳор .	55
Сафарбар сатрлар	57
Июль	60
Парпи холанинг гинаси	63
Вўза ҳосилга кирди	67
Чиннихон	68
Қаҳрамон . .	70
Шийпон тонги . . .	72
Қаҳрамоннинг бюсти	74

Мирзачўл куйлари

Кунларимиз шундай! . .	79
Яшна, севимли диёрим!	82

Қуручи қиз орзуси	83
Гуллар водиси	85
Боғбон қиз .	86
Тўй	87
Сизга	89
Дала шийпон, ҳовуз бўйи, осмон тўлиб учган ғоз	91
Ғанишернинг шуҳрати	95

1953 йил 5 март

Илк тонг	99
Монумент	102
Тонг	104
Революция майдони	106
Беш минут	109

Сизга

Волоколамск тош йўли	115
Муборакбод	122
Қайнар булоқ, аскар йигит, соҳибжамол беном қиз	126
„Калавланиб йиқилди мағрур“	129
Хат	130
Сизни табрикламай бўлурми, қизлар!	134
Атлас	136
Навоий	138
Кавказ	140
Шеър ёзганда	141

На узбекском языке

ТУРА Б ТУЛА

ОКРЫЛЯЙТЕСЬ, ПЕСНИ МОИ!

Госиздат УзССР—1955—Ташкент

Редактор *Н. Охундий*
 Рассом *И. Икромов*

Техредактор *Л. Ф. Демидова*
 Корректор *М. Рустамов*

Теришга берилди 28. X. 1954. Босишга рухсат этилди 28/I 1955. Формати 70×108/32.
 Босма л. 4,5. Шартли босма л. 6,16. Нашр. л. 4,7. Тиражи 10 000.
 P01346. Индекс *н.а.* Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти, Тошкент, Полиграф
 кўчаси 74. Шартнома № 330-54.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-нчи босмахонаси.
 Тошкент, Ҳамза кўчаси. № 33. Зак. № 880. Баҳоси 3 с. 10 т.